БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 19 май Шанба
№ 95. (13.531).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси, талаба ёшлар орасида фаннинг нуфузини ошириш талабаларнинг муваффақиятли ўқишини рағбатлантириш, жумҳуриятнинг атоқли фан арбоблари ҳаёти ва фаолиятини тарғиб қилиш мақсадида СССР илмий ва муҳандислик жамиятлари Ўзбекистон жумҳурият ҳайъатининг айрим фанларни ўрганишда алоҳида истеъдод намоён қилган «Жумҳурият олий ўқув юртлари талабалари учун фан арбоблари номидаги стипендияларни таъсис этиш тўғрисидаги» таклифини кўриб чиқди ва қўллаб қувватлади.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунунида: математикани ўрганувчи талабалар учун — академик В. И. Рамоновский номидаги, физикани ўрганувчи талабалар учун — академик У. О. Орифов номидаги, химияни ўрганадиган талабалар учун — О. С. Содиқов номидаги.

Беруний номли Тошкент политехника институтида: геологияни ўрганувчи талабалар учун — академик Ҳ. М. Абдуллаев номидаги; химияни ўрганувчи талабалар учун — академик А. М. Музаффаров номидаги; энергетикани ўрганувчи талабалар учун — академик М. З. Ҳамидхонов номидаги; қурилиш индустриясини ўрганувчи талабалар учун — академик М. Уразбоев номидаги;

Тошкент машинасозлик институтида: машинасозликни ўрганувчи талабалар учун — академик Ҳ. А. Раҳматуллин номидаги;

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида: академик М. А. Ҳожинова номидаги стипендиялар таъсис этилади.

Муҳаммад Тарағай Улуғбек туғилган куннинг 600 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарига тайёргарлик масалалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида муҳокама қилинди. Буюк олимнинг юбилейи мамлакатнинг маданий ва ижтимоий ҳаётида катта воқеа бўлади, ўзбек халқининг илмий ва тарихий меросини тарғиб қилиш ишига хизмат қилади.

1994 йилда ўтказиладиган юбилей тантаналари муносабати билан Улуғбекнинг Самарқанддаги бутун дунёга машҳур астрономия обсерваториясини, Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда Улуғбек мадрасасини таъмирлаш ва тиклаш Тошкент марказида Улуғбекка ёдгорлик ўрнатиш режалаштирилган. Буюк алломанинг асарлари ўзбек ва рус тилларида босиб чиқарилади, совет ва чет эл олимларининг Улуғбек ҳақидаги китоблари туркуми нашр этилади, Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бадиий фильм яратилади.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашига Улуғбек юбилейини ЮНЕСКО планига киритиш, СССР Фанлар академиясининг Улуғбек номидаги мукофоти ва медалини таъсис этиш юбилей тангаси чиқариш тўғрисида тавсиянома билан иттифоқ идораларига мурожаат қилиш топширилди.

Юбилей тантаналарини ва халқаро илмий конференцияни Самарқанд, Тошкент ҳамда Москвада ўтказиш режалаштирилмоқда.

РСФСР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИДА

Россия Федерацияси халқ депутатларининг биринчи съезди 17 май куни ўз ишини давом эттирди. Кеча кечки мажлисда съезднинг кун тартибини ва иш тартибини муҳокама қилиш бошланган эди. Россиянинг сиёсий ва иқтисодий аҳволи тўғрисидаги маърузa кўпчилик овоз билан кун тартибининг учинчи банди қилиб тасдиқланди. Кун тартибининг бошқа бандлари юзасидан депутатлар аввалига умумий бир фикрга кела олмадилар, шундан сўнг бу масалани муҳокама қилишни пайшанба куни эрталаб давом эттиришга аҳд қилишган эди.

16 майдаги кечки мажлисда мандат комиссиясининг маърузаси ҳам тингланди. Сайланган 1059 нафар РСФСР халқ депутатидан 1057 тасининг ваколатлари текширилди. Икки депутатнинг ҳужжатларини Марказий сайлов комиссияси ҳали тақдим этгани йўқ. Комиссия съездга Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олган 1057 кишидан сайланган 1050 РСФСР халқ депутати ваколатини эътироф қилишни тавсия этди.

Етти округ бўйича узил-кесил қарор қабул қилиш қўшимча материалларни олгунга қадар кечиктирилди. Мандат комиссияси съезднинг ижтимоий ва миллий таркиби ҳақида аниқланган маълумотларни хабар қилди. Комиссия маърузасида энг ёш депутат 21 яшарлиги, депутатлар туркумининг аксарият қисми 36 ёшдан 55 ёшгача эканлиги ҳам айтилди. Депутатлар туркумига Россия Федерациясидаги барча ҳудудий тузилмаларнинг вакиллари кирган. Депутатлар таркиби асосан жумҳурият аҳолисининг миллий структурасини акс эттиради.

Мандат комиссиясининг доклади муҳокама қилингандан кейин 1050 нафар РСФСР халқ депутати ваколатларини эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

17 майда кун тартиби лойиҳасининг бандлари муҳокамаси баъзан жўшқин ва ҳатто одоб доирасидан чиққан ҳолда давом эттирилди. Депутатлар кун тартибига Россия Федерациясининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, РСФСР Олий Шўроси Раисини, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарини сайлаш, РСФСР Олий Шўросини сайлаш, РСФСР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда конституцион комиссия тузиш, РСФСР Вазирлар Кенгаши Раисини тасдиқлаш, РСФСР суверенитети ва янги иттифоқ шартномаси тўғрисидаги масалаларни киритишга қарор қилдилар. Кечки мажлисда ҳам кун тартибига доир мунозаралар давом этди.

РСФСР халқ депутатлари съезди 18 май куни ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

ВИЛОЯТ КОМСОМОЛ ҚЎМИТАСИ ПЛЕНУМИ

Самарқанд вилояти комсомол қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Унда «ВЛКСМ XXI съездининг сиёсий якунлари ва вилоят комсомол ташкилотининг съезд қарорларини бажариш юзасидан вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби Беҳзод Зокиров маъруза қилди. Пленумда вилоят ёшларининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилаш бўйича биринчи галдаги вазифалар ҳам кўриб чиқилди.

Бугун—В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ кашшофлар ташкилоти туғилган кун

Эртанги кун ишончи

Кўчаларга, хиёбонларга бир зум назар ташланг: қалбингизнинг тубида яширинган эзгулик уруғлари потирлаб юзага чиққанини ўзингиз ҳам пайқамай қоласиз. Ораста кийинган болаларни кўриб, болалигингиз ёдингизга тушади. Баҳорий эпкинда ҳилпираётган галстукларга боқиб, кашшофлар ташкилотининг қисмати билан қизиқасиз, беихтиёр.

Мухбиримиз байрам арафасида Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг котиби, В. И. Ленин номидаги кашшофлар ташкилоти жумҳурият кенгашининг раиси М. А. Раҳимбердиева билан ташкилот фаолиятининг айрим масалалари хусусида суҳбатлашди.

Майя Абдулахаировна, аввалам бор, сизни ва сиз етакчилик қилаётган барча кашшофларни байрам билан қутлайман.

— Қутлов учун раҳмат. Фурсатдан фойдаланиб, мен ҳам ўз навбатида ташкилотимизнинг тўнғич аъзолари бўлмиш фахрийларимизга, бугун — қайта қуриш жараёни билан ҳамоҳанг тарзда ҳаётимизга кириб келган ошкоралик ва демократия шароитида кашшофлар ташкилотининг равнақи учун жон куйдираётган вожатийларимизга, дружина ва отряд кенгашларининг раисларига, барча кашшофларга ўзимнинг энг яхши истакларимни билдираман.

— Байрамни қандай кайфиятда кутиб оляпсиз? Ўтган бир йил ичида қандай ўзгаришлар юз берди?

— Илгарилари, сир эмаски, бундай кунларда кўпроқ ютуқлар ҳақида гапиришарди. Давр бизни ҳам ўзгартирди. Эндиликда, хоҳлаймизми — йўқми, ҳар бир нарсани ўз номи билан аташга мажбурмиз. Яхшини яхши, ёмонни ёмон деб.

Маълумки, шу кунларда кашшофлар ташкилотларида ҳисобот сайлов йиғилишлари ўтяпти. Мен сизга айтсам, у аввалги йиллардагидан фарқли ўлароқ, қизғин баҳслар, тортишувлар, остида ўтаётир. Турли фикрлар билдирилмоқда. Ўқувчилар нафақат ўқиш ва тартиб-интизом ҳақида шунингдек иқтисод масалалари хусусида ҳам тортишяптилар, таклифлар билан чиқяптилар. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳозир ҳар бир дружина ўз жамғарма дафтарчасига эга бўлиши, пионер счёти очиши мумкин. Илгарилари ўқувчилар темир-терсак ва макулатура йиғиб, турли операцияларда қатнашиб топган пулларини нимага ва қандай сарфлашни улар бир четда қолиб, мактаб директори ва пионервожатийси ҳал этардилар. Энди жамғармалардаги маблағни дружина кенгаши тақсимлайдиган бўлди.

Март ойида жумҳурият пионер ходимларининг конференцияси ўтказилганидан хабарингиз бор. Конференция, айтиш мумкинки, кашшофлар билан ишлайдиган мураббийлар учун фаолроқ ҳаракат қилишга ўзига хос даъват бўлди. Чунки ташкилотнинг равнақи юқоридан тушган буйруқ ва кўрсатмалар миқдорига қараб эмас, бевосита болалар билан ишлайдиган пионер етакчиларининг ва пионер уйлари ходимларининг саъйи ҳаракатига боғлиқ.

Ҳозир жойларда жумҳурият кашшофларининг XV слётига тайёргарлик бормоқда. Модомики, болалар — бизнинг келажагимиз экан, биз уларнинг ҳар томонлама уйғун ўсиши учун барча шароитларни яратиб беришимиз лозим. Пионер ташкилотимизга кўрсатилган ғамхўрлик эса, ўз-ўзидан тушунарлики, болаларга кўрсатилган ғамхўрлик.

Шу ўринда ташкилий масалада ҳам бир мунча ўзгаришлар бўлганини таъкидламоқчиман. Ҳар бир вилоятда кашшофлар ташкилотининг бошқа ишлардан озод қилинган раиси лавозими жорий этилди. Устига устак эндиликда ҳар бир вилоят комсомол қўмитаси ўз имкониятлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, керакли лавозимларни жорий этиши мумкин. Масалан, Тошкент шаҳар Октябрь ноҳияси энди ўзининг ноҳия пионер ташкилоти раисига эга.

Юқорида қайд этганим янгиликлар, кашшофлар билан ишлашни яхшилаш учун хизмат қилади. Хуллас, ташкилотимизга эътибор берила бошлангани ҳар жабҳада сезиляпти. Кашшофлар ташкилоти Бутуниттифоқ кенгашининг раисини ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг бюро аъзоси қилиб сайлаганлиги ҳам буни исботламоқда. Ваҳоланки, бунгача бутунлай бошқача муносабат ҳукм суриб келган эди.

— Бу комсомолда қайта қуриш бораётганини билдиради, албатта. Аммо мен ВЛКСМ съездида қабул қилинган «Комсомол ва пионер ташкилоти» деб номланган резолюциядан эскича қолипдаги сўзларни, турғунликка хос ибораларни илғагандек бўлдим. Умуман, шундай резолюциянинг қабул қилинишидан пионер ташкилотининг келажагини белгилаш ҳуқуқини бундан буён ҳам комсомол ўз тасарруфида сақлаб қолади, деган маъно келиб чиқмайдими?

— Йўқ, асло ундай эмас. Резолюция комсомолнинг кашшофлар ташкилотига холис муносабат билдириши, унинг фаолиятини ўзига хос баҳолашининг ифодаси бўлди, деб ўйлайман.

— Резолюцияда . пионер ташкилотига таъриф бера туриб, назаримда қизиқ устида, унга нисбатан ҳақоратомуз ибора ишлатиб юборилган. Мен «лаёқатсиз болалар ташкилоти» деган иборани назарда тутяпман. Жуда ошириб юборилмадимикан?

— Мутлақо фикрингизга қўшиламан. Эҳтимол, бу хато бошқа масалаларда қабул қилинган резолюциялардан фарқли ўлароқ, олдиндан ҳеч бир тайёргарликсиз, съезд жараёнида тушган таклифлар асосида шошилинч равишда кун тартибига қўйилгани ва қабул қилинганлиги оқибатида юз бергандир. Барибир, ҳар қандай вазиятда ҳам бу иборанинг ишлатилишини оқлаб бўлмайди. Менинг ишончим, комилки, кашшофларимизнинг аксарияти қобилиятли, ўз фикрига эга бўлган, хатти-ҳаракати учун ўзи жавоб беришга қодир бўлган ўғил-қизлардир. Қолаверса, улар орасида учрайдиган «лаёқатсиз»лар учун ҳам улар эмас, энг аввало, биз катталар — мактаб ва ҳар хил лавозимларни эгаллаб турган ота-оналар айбдормиз. Комсомол ҳам айбдор.

Муаммо дегани тиқилиб ётибди. Масалан, пионервожатийлар маошни кимдан олишади? Пионер уйларида ишлаётганлар-чи? Халқ таълими вазирлигидан. Нега комсомолдан эмас, деган савол туғилиши табиий. Гўё жавоби ҳам тайёрдек — комсомолнинг қурби етмайди. Қурби етмайди эмас, етади. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Пионер ходимларининг ўзлари буни хоҳлашмайди. Гарчанд кейинги пайтларда комсомол ўзига имтиёзларни яратиб олди, деган ҳар хил гаплар тез-тез қулоққа чалинаётган бўлса-да, улар — пионер ходимлари, агар таъбир жоиз бўлса, бутунлай биз томонга ўтишга розилик билдиришмайди.

Гап шундаки, маориф ходими бўлиб қолиш билан улар кўп нарсада ютишади. Биринчидан, йилда икки ой (яна айни ёз фаслида) дам оладилар. Бундай имкониятни комсомол, ўйлайманки, яратиб беролмайди. Иккинчидан, қишлоқ ўқитувчиларига берилган имтиёзлардан (қишлоқ жойларда, албатта) баравар фойдаланадилар.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, пионер ишларини астойдил йўлга қўйиб олиш учун, энг аввало, ташкилотимиз моддий асосини тиклаш ва мустаҳкамлаш даркор. Биз, маълумки, аъзоларимиздан бадал олмаймиз. Комсомол берганга қаноат қилишга мажбурмиз. Аммо қўлдан берганга қуш тўймайди. Пионер рўзномалари ва жаридаларидан келадиган фойдага эгалик қилолганимизда эди, бизга бўлган муносабат ҳам, ўз ишларимиз ҳам бутунлай бошқача бўлар эди...

— Кашшофлар ташкилотига ўхшаш ёки унга рақобатчи бўла оладиган болалар ташкилоти тузилиши «хавф»ига қандай қарайсиз?

— Хавф борлиги рост. Лекин биз қўрқмаймиз. Қолаверса, бу табиий жараён. Фикрлар ҳар хиллиги шароитида шундай бўлиши табиий. Ҳатто ўйлайманки, шундай хавф яхшиликкадир. Чунки, эътибордан қолиш хавфи бор жойда обрў учун кураш ҳам пайдо бўлади. Обрўга эса фақат амалий иш орқали, шахсий намуна орқали эришиш мумкин ва сақлаб қолиш мумкин. Биз ҳозир ана шу обрўни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашмоқдамиз.

— Охирги савол: кашшофлар ташкилотининг келажагига ишонасизми?

— Мутлақо ишонаман. Акс ҳолда, бу ерда ишламасдим.

З. РИХСИЕВ суҳбатлашди.
Сураткаш Муҳаммад АМИН.



Шу сонга хабар

Хавфли ўйинлар

ШУ ЙИЛ бошидан буён жумҳуриятимизда болалар иштироки билан беш юзтача йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. Ана шу тасодифлар туфайли 400 бола тан жароҳати олди, 80 га яқини эса вафот этди.

Бунинг асосий сабаби ўқувчи ёшларнинг йўл ҳаракати қоидаларини яхши билмасликлари, ота-оналарнинг, теварак-атрофдагиларнинг бефарқлигидир.

Ана шундай фожиалардан бири Сирдарё вилоятида юз берди. Пахтакор ноҳиясидаги 7-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Олим Умаров йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмай, катта кўчага беҳосдан югуриб чиқди. Натижада юқори тезликда келаётган машина болани уриб юборди. Ва у шу ернинг ўзида вафот этди.

Бундай қайғули мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Олдинда ёз. Мактаб ўқувчиларининг дам олиш мавсуми. Шунинг учун ҳам болаларни катта кўчаларда ўйнашига рухсат этмайлик. Уларнинг йўл ҳаракати қоидаларини яна ҳам чуқурроқ ўрганишларига эришайлик.

А. ГРИНБЛАТ.

Балли, шифокорлар!

ЎЗБЕКИСТОН ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг травматология ва ортопедия илмий текшириш институти шифокор олимлари синган ўмров суягини даволашда фойдаланиладиган янги қурилма ятардилар. Бу қурилма учун муаллифлик гувоҳномаси берилади. Унинг муаллифлари — Т. Ҳасанов, Р. Хўжаев ва Р. Алемасовлар СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг бронза медали билан тақдирландилар.

Конструкция тухумсимон шаклдаги металл қувурчадан иборат бўлиб, у синган жойни зарур ҳолатга солиб, сира қимирлатмай қўйиш имконини беради. Янги ускуна аввалги шундай қурилмаларга нисбатан даволаш жараёнини тезлаштириш, жарроҳ аралашувига ҳожат қолдирмаслик имконини беради.

— Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бизга юзта қурилмадан иборат дастлабки туркумни тайёрлашда ёрдам берди,— дейди ишланма муаллифларидан бири Т. Ҳасанов. — Биз улардан муваффақиятли фойдаландик ва юз нафар беморни даволадик. Лекин эҳтиёж, албатта, анча кўпроқ — жумҳурият травматология хизмати учун қарийб 30—40 мингта шундай қурилма зарур.

Антиқа ҳамкорлик

ЖУМҲУРИЯТ Маҳаллий саноат вазирлиги Озиқ-овқат саноати вазирлиги билан антиқа «ҳамкорлик»ни йўлга қўйди. Бу «хайрли» ишдан биринчилардан бўлиб рўзномамиз сураткаш мухбири Муҳаммад Амин хабар топди. Рўзномамизнинг ушбу сони учун сурат тайёрлаётган муаллиф қуйидаги манзаранинг гувоҳи бўлди: сурат олишга ишлатиладиган кимёвий (фиксаж кислий) модданинг устки қопчасига «Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат вазирлиги «Полимер» ишлаб чиқариш бирлашмаси» деган сўзлар қайд қилинган. Ичидаги целлофан қопча эса батамом бошқа сўзлар билан тўлдириб ташланган. «Ўз ССР Озиқ-овқат саноати вазирлиги Тошкент нон корхоналари бирлашмаси. Янчилмаган қора мурч».

Ҳа, ҳаваскор сураткашлар сурат ишлашда қўлланиладиган фиксаж моддасини сотиб оладиган бўлсангиз эҳтиёт бўлинг. Иккала нуфузли вазирлик мутасаддиларининг антиқа «ҳамкорлиги» сизни ташвишга солиб юрмасин тағин. Ташаббускорлар манзилгоҳини эслатиб ўтамиз: Тошкент-25, 700025, Б. Хмельницкий кўчаси, 74-уй. «Полимер» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

С. РУСТАМ.

Хазина

Р. В. ЧЕРНЯЕВСКИЙ ҳақида эшитганмисиз? Ҳойнаҳой Ростислав Владимировичнинг коллекционерлигини кўпчилик билмаса керак.

Биз у киши билан бундан қарийб икки ой муқаддам вилоят кутубхонасининг мажлислар залида учрашдик. Ажойиб тақдир эгаси турли-туман саволларга жавоб қайтариш билан бирга ўзининг коллекционерлик саргузаштларини ҳам мароқ билан сўзлаб берди. Айни кунда Черняевский коллекциясида турли даврларга оид уч ярим мингта тангалар ва бир ярим минг дона қоғоз пуллар мавжуд экан.

Хорижий давлат олимларидан бири Ростислав Владимировичнинг шахсий коллекциясини 5 миллион долларга баҳолабди. АҚШдаги қадимги тангалар билан шуғулланувчи фирма вакиллари эса Черняевскийдан ўз коллекциясини сотишни илтимос қилган. Лекин у бу таклифни рад этган.

Н. САМАНДАРОВА.
Хоразм вилояти.

Шифобахш чой

САМАРҚАНД чой қадоқлаш фабрикасида ишлаб чиқарила бошланган шифобахш чой навларига «Эталон», «Идеал» ва «Муаттар» деган номлар қўйилди. Бу чойларнинг рецептларини озиқ-овқат саноатига қарашли Ўрта Осиё илмий-текшириш институти олимлари ишлаб чиқишди.

Бу ерда чойга Ўзбекистонда кўплаб ўсадиган қизилпойча, зира, жамбил, ялпиз, райҳон каби шифобахш гиёҳлар қўшилаяпти. Кишиларга тетиклик ва саломатлик бахш этадиган бундай чойларни ишлаб чиқиш корхонанинг ҳушбўй ва шифобахш қўшимчаларни майдалайдиган ва уларга ишлов берадиган махсус қурилмалар ўрнатилган цехларида йўлга қўйилган.

«Буюк ипак йўли»

ТОШКЕНТДА ташкил этилган «Буюк ипак йўли» фирмаси хорижий саёҳатчиларга Ҳиндистонни Хитой, Европа ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан қадим замонларда боғлаган карвон йўлларидан ўтиш имкониятини беради. Фирма «Интурист»нинг рақибига айланган хўжалик ҳисобидаги «Сайёҳ—Интур» бирлашмаси ҳузурида иш бошлади.

Янги фирманинг мақсади саёҳат ишқибозларини қадимий анъаналар билан таништиришдан, уларга ўтмишда буюк ипак йўли билан боғлиқ халқларнинг турмуши тўғрисида ҳикоя қилиб беришдан иборат.

Янги фирма ишлаб чиққан саёҳат йўллари ҳозирги Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарлари — Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабзни буюк ипак йўли билан боғлаган жуда гавжум кўчалардан олиб ўтади. Бу йўллар билан АҚШ ва Польшадан келган сайёҳлар биринчи бўлиб танишдилар.

Фирма буюк ипак йўлига нисбатан жуда катта қизиқиш туфайли ташкил этилди. ЮНЕСКО ўтган йили ана шу йўлни қайта тиклаш режаларини қабул қилди, уни амалга оширишда ўнлаб мамлакатлар қатнашмоқда.

(ЎзТАГ).

Умидимиз талабалардан

КЎПИНЧА дам олиш вақтини мазмунли ўтказиш хусусида фикр юритамиз. Ишдан бўш вақтимиз, меҳнат отпускаси давридаги дамларимизни янада мароқли ташкил этишни билмай қимматли дақиқаларни бой берамиз. Гоҳида бўш кунларимизни эртадан-кечгача ойнаижаҳон қаршисида ўтказишга одатланганмиз. Хўш, меҳнаткашларнинг дам олишини илмий асосда ташкил этиш мумкинми?

Худди ана шу муаммони Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат маданият институти маданий-маърифий ишлар факультети қошида ташкил этилган дам олиш ташкилотчилари тайёрлайдиган бўлимни битирганлар ҳал этишса ажаб эмас. Бу хайрли ишга мамлакатда иккинчи бўлиб, яъни Ленинград маданият институтидан сўнг киришилди. Ҳозирги кунда бўлимнинг сиртқи ўқувига бўлажак талабалар қабул қилинмоқда.

У. ИСЛОМОВ.

Шу сонга хабар

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси I пленуми томонидан қабул қилинган қарорлар, резолюциялар ва мурожаатлар

ВЛКСМ XXI СЪЕЗДИНИНГ «ВЛКСМ МУЛКИ ТЎҒРИСИДА»ГИ РЕЗОЛЮЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРИ

ВЛКСМ Устави ва шу муносабат билан съезднинг у билан бирга қабул қилган резолюцияларидан келиб чиқиб, шунингдек, «ВЛКСМ молиявий-иқтисодий фаолияти» мунозара марказининг, Амур вилояти комсомол ташкилотлари делегациясининг, съезд делегатларининг таклифларини эътиборга олиб, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленуми қарор қилади:

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг молиявий-иқтисодий комиссиясига ВЛКСМнинг пул маблағлари ва бошқа хилдаги мулки тўғрисида Низом ишлаб чиқиш, ВЛКСМ мулкини федерация субъектлари билан жамоа тасарруф қилиши механизми тўғрисида, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси даражасида шаклланган даромадларни тақсимлаш, уларда федерация субъектларининг ҳиссасини белгилаб бериш таклифини киритиш топширилсин.

«ССР ИТТИФОҚИ ХАЛҚЛАРИГА, ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИГА МУРОЖААТНОМАСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг пленуми қарор қилади:

1. ВЛКСМ XXI съездининг «Комсомол ва миллатлараро муносабатлар» мунозара маркази томонидан қабул қилинган «ССР Иттифоқи халқларига, йигит-қизларига мурожаатномаси» қўллаб-қувватлансин.
2. Мазкур мурожаатнома «Комсомольская правда» рўзномасида эълон қилинсин.

ССР ИТТИФОҚИ ХАЛҚЛАРИГА, ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИГА МУРОЖААТНОМА

«Казарма социализми» иллатлари, бутун-бутун халқларга муносабатда қатағонлар, камсонли халқларнинг ҳуқуқлари поймол этилиши билан боғлиқ миллатлараро низолар мамлакатга азоб бераяпти. Кишиларни миллий белгисига қараб ажратиш давом этаяпти. Қон тўкилмоқда, кишилар нобуд бўлмоқда. Миллатлараро нифоқларда аввало болалар, ёшлар жабрланаяптилар.

Ҳокимият органлари томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар барқарорлаштиришни таъминламаяпти. Иқтисодий, сиёсий тазйиқ кўрсатиш услублари фақат вазиятни мушкуллаштираётир. Қарорлар қабул қилинган бўлишига қарамай, илгари кўчирилган халқларнинг камситилган ҳуқуқларини қайта тиклаш тўла миқёсда амалга оширилаётгани йўқ. Бу миллатлараро муносабатларда, шунингдек, марказий ҳамда маҳаллий ҳокимият органларига бўлган ишончсизликни юзага келтираяпти. Агар аҳвол бундан буён ҳам шундай тарзда ривожланадиган бўлса, унда янгиланиш, демократиялашнинг қийин жараёни боши берк кўчага кириб қолади ва ҳар бир халқнинг ўзи-ўзини белгилаш ҳамда миллий тикланиш умидлари оқламай қўяди.

ВЛКСМ XXI съезди делегатлари СССР барча фуқароларининг, уларнинг миллий мансублигидан, диний эътиқодидан, сиёсий дунёқарашларидан қатъий назар, ақл-заковатига ва виждонига мурожаат этадилар.

Олий адолат, яхши қўшничилик муносабатлар, мустақил миллий тотувлик ўрнатилиши, ўзларининг фарзандлари ва невараларни истиқболи йўлида эски гина-кудуратларни, низоларни унутишга, ўзаро ён беришларга боришга, биргаликда ҳамжиҳат қарорларни излашга даъват этамиз.

Биз оммавий ахборот воситаларини миллатлараро муносабатлар муаммолари юзасидан материалларни эълон қилиш пайтида объективликка, чамалаб кўрилган бўлишига даъват этамиз. Қандайдир бирор бир шаклда миллатчилик ва шовинизмни тарғиб қилишга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз. Барча сиёсий кучларга, миллий ҳаракатларга бир томонлама ҳаракатлардан, ультиматум талабларидан бир йил муддат — 1991 йил апрелигача воз кечишни ва оммавий қарама-қарши туриш эмас, балки ён бериш йўлида, фуқаролар тинчлиги йўлида мулоқотга киришишни таклиф қиламиз.

ВЛКСМ XXI СЪЕЗДИНИНГ «КОМСОМОЛ ВА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР» МУНОЗАРА МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ I ПЛЕНУМИ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНГАН

«В. И. ЛЕНИН ҲАЙКАЛЛАРИГА МУНОСАБАТДА ВАНДАЛИЗМ ФАКТЛАРИНИ ҚОРАЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ

Совет Иттифоқи ва Шарқий Оврупо мамлакатларининг сиёсий системасида юз бераётган сифат ўзгаришлари тарихий тўлқинни қайта мулоҳаза қилиб кўришда кузатилмоқда, янги жамоа онги шаклланмоқда.

Бу ўзгаришлар инсонпарвар демократик ҳуқуқий жамиятларни барпо этиш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, улар учун зўравонлик, тарихий нигилизм, ёдгорликларни топташ бегона бўлиб, шахсга ва Қонунга ҳурмат билан қараш хосдир.

Шу муносабат билан В. И. Ленин ҳайкалларига муносабатдаги вандализм фактлари тўғрисидаги хабарлар алоҳида ташвиш уйғотмоқда. Бу ваҳшийона ҳаракатлар ривожланган жамиятларнинг нормалари билан сиғишмайди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленуми бундай хатти-ҳаракатларни кескин қоралайди. Биз барча холис ниятли кишиларга экстремистик ҳаракатларга йўл қўймасликка мурожаат этамиз. Биз эса шундай кишиларнинг ташаббускорлари ва қатнашчиларига қонунни қўллаш тарафдоримиз.

«ХАЛҚАРО КОИНОТ ЙИЛИ ЁШЛАР ҲАРАКАТНОМАСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ

1. ВЛКСМ XXI съезди бир гуруҳ делегатларининг Халқаро коинот йили (1992 йил) Ёшлар ҳаракатномаси тўғрисидаги мурожаати эътибор учун қабул қилинсин. Унинг шарҳи «Комсомольская правда» рўзномасида чоп этилсин.

2. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюросига «Иттифоқ» Бутуниттифоқ ёшлар аэрокоинот жамияти президиумининг комсомол қўмиталари, комсомол ташкилотларининг Халқаро коинот йилининг Ёшлар ҳаракатномасини ишлаб чиқишда ва рўёбга чиқаришда иштироки тўғрисидаги таклифини кўриб чиқиш топширилсин.

1992 ЙИЛ — ХАЛҚАРО КОИНОТ ЙИЛИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1992 йилни Халқаро коинот йили деб эълон қилди. Мамлакатимиздаги ва хориждаги олимлар, жамоатчилик томонидан Халқаро коинот йилини ўтказиш тўғрисида таклифлар киритилганди. Коинот асрининг ўттиз йиллигига бағишланган анжуманда (Москва, 1987 йил), Халқаро астронавтика федерациясининг XXXIX конгрессида (Ҳиндистон, 1988 йил) муҳокама этилган.

1988 йилда Халқаро коинот йили юзасидан коинот агентликлари Анжумани ташкил этилган бўлиб, унга Оврупо коинот агентлиги қатнашчиларини ҳам қўшган ҳолда 15 мамлакатнинг вакиллари кирган.

Коинот йилига тайёргарлик кўриш доирасида бир қатор миллий ва халқаро лойиҳалар эълон қилинган бўлиб, уларда ёшларнинг кенг иштирок этиши назарда тутилади. АҚШ 1992 йилда «Озодлик» орбитал станциясининг дастлабки моделларини (Ғарбий Оврупо, Канада, Япония мамлакатлари иштироки билан) учиришни бошлайди. «Ер куррасига холис ният» йўлдошларининг ёрдами билан улкан аэрокоинот тузулмаси лойиҳасини амалга ошириш назарда тутилмоқда, ҳозирдаёқ халқаро «Коинот дорилфунуни» ва бошқалар амалга оширилаяпти. Америка Қўшма Штатлари расмий равишда Халқаро астронавтика федерациясининг ва КОСПАР — йирик илмий анжуманларни ўз ҳудудида ўтказишни таклиф қилди.

Совет ва хорижий ёшларнинг СССРда самовий тадқиқотларга бўлган катта қизиқишини эътиборга олиб, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси СССР Халқ таълими давлат қўмитаси, СССР Фанлар академияси, СССР Умумий машинасозлик Вазирлиги, «Иттифоқ» Бутуниттифоқ ёшлар аэрокоинот жамияти Халқаро коинот йили доирасида СССР ҳудудида махсус Ёшлар ҳаракатномасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таклиф қилади.

Халқаро коинот йили ёшлар ҳаракатномасига СССР ҳудудида 1992 йилда халқаро коинот дорилфунуни илмий-амалий конференцияси, ўқувчиларнинг миллий ва халқаро ёзги коинот лагерлари ташкил қилиш, реал совет биойўлдошларида ёшлар томонидан таклиф этилган туркумли тажрибаларни амалга ошириш, самовий биология, тиббиёт, экология, техника, технология ва бошқа соҳаларда халқаро ёшлар гуруҳлари ва ёш тадқиқотчилар айирбошланиш, ёшлар таклиф қилган тажрибаларни рўёбга чиқариш юзасидан вазифаларни коинот парвозлари ҳаракатномага қўшиш, «Мир» орбитал станцияси бортида «Самодан сабоқлар» ўтказишни қўшиш мумкин.

Ҳаракатномани рўёбга чиқариш совет ёшларининг диққат-эътиборини самони тадқиқ этиш, техника ва технологияни ривожлантириш муаммоларига жалб этиш, фан асослари юзасидан билимларга ўсмирларни ошно қилиш учун янги шарт-шароитларни таъминлаш имкониятини беради, таълим ва халқ хўжалигида космонавтиканинг кенг интеллектуал-техник конверсияси ривожланишига ёрдам беради, пировард натижада мамлакатнинг интеллектуал имконияти шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Халқаро коинот йилининг Ёшлар ҳаракатномасига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ёшлар билан интеллектуал ижодий фаолият кўрсатиш иши учун моддий-техник, иқтисодий, илмий методик базанинг ривожланишига рағбат бўлади, турли мамлакатлар ўқувчиларининг, талабаларининг, илмий ёшларининг тинч коинотни ўзлаштириш ишида халқаро ҳамкорлигини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш имкониятини беради.

1992 йилда Москва вилоятининг Калининград шаҳрида Техник Марказнинг, Смоленск вилоятининг Калуга, Красноярск, Гагарин Коинот лагерларининг, Зеленчукда (Ставрополь ўлкасининг «Қорачой — Черкес мухтор вилоятида) ёшлар обсерваториясининг, СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Коинот марказининг биринчи навбатини ташкил этиш мумкин бўларди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси I пленуми ВЛКСМ XXI съезди «Мактаб» клубининг комсомол ташкилотлари ва комсомол қўмиталари Халқаро коинот йили Ёшлар ҳаракатномасини ёшларнинг интеллектуал ривожлантириш юзасидан ишнинг бир қисми сифатида ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашиши тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлайди.

Комсомол қўмиталари, комсомол ташкилотлари Коинот йилининг Ёшлар ҳаракатномасида иштирок этиш имконияти юзасидан таклифларни сиз қуйидаги манзилгоҳга юборишингиз мумкин: Москва, Новая плошадь, 6/8, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ёшлар таълими бўлими. «Иттифоқ» Бутуниттифоқ ёшлар аэрокоинот жамияти президиуми.

«ЁШЛАРНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ РЕЗОЛЮЦИЯ

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленуми таъкидлаб ўтадики, мамлакатнинг режали-бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида ёшларнинг муҳим муаммоси иш билан бандлилик бўлиб қолади. Ана шу муаммо айниқса, Ўрта Осиё жумҳуриятларида, Озарбайжонда, Қозоғистонда, Украина ва Молдавиянинг бир қатор музофотларида, ўткир бўлиб турибди.

ВЛКСМнинг ҳаракатномавий мақсадларидан келиб чиқиб, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленуми:

— ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюросига ва ВЛКСМдан СССР халқ депутатларига ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг аҳолининг иш билан бандлиги қонунчилиги Асослари лойиҳасига ва хўжаликни янги шароитларда бошқаришда кадрларни тайёрлаш ва фойдаланиш давлат Ҳаракатномасининг ҳаракат дастури лойиҳасига ёшларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминловчи ҳуқуқий таклифларни киритишни;

— ВЛКСМдан СССР халқ депутатлари меҳнат соҳасида ёшларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни алоҳида назорат остига олишни;

— комсомол қўмиталари ўз иқтисодий фаолиятларини ҳар жиҳатдан ривожлантириб бориш, ўз иқтисодий вазифаларинигина эмас, балки ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш учун кичик корхоналарнинг тармоқларини ташкил этишни топширади.

Хорижадан хабарлар

Чет эл ёшлари ҳаётидан

НЬЮ-ЙОРК. ...Гулдасталар кўтарган бир гуруҳ студентлар ғамгин сукут сақлаб ёдгорлик ёнида турди. Дақиқа сайин улар ёнига янги-янги ёшлар қўшилаверди. Айримларнинг кўзларида ёш йилтирар, бошқалари қўлларини мушт қилиб, яқинда қора мармардан тикланган ёдгорликка қарарди. Ҳозирги ёш америкаликлар авлоди 20 йил муқаддам Миссури штатидаги Жексон дорилфунунида юз берган фожиани унутмаган.

Ўша баҳорнинг илиқ кунида дорилфунун ҳудудига келтирилган миллий гвардия қўшинлари студентларнинг АҚШнинг Вьетнамдаги ҳарбий иғвогарликларига қарши тинч намойиши иштирокчиларига қарата ўт очди. Жеймс Грин билан Филипп Гиббс ҳалок бўлди, уларнинг кўпгина ўртоқлари эса оғир яраланди.

Америкадаги икки дорилфунун — Огайо штатидаги Кент дорилфунуни ва Миссури штатидаги Жексон дорилфунуни бинолари олдидаги майдонлар узра янграган ўқ товушлари садоси ўшанда Қўшма Штатлар сарҳадидан анча узоқларда ҳам эшитилди. Йигит ва қизларнинг ўққа тутилишидан бутун дунё ларзага келди. Мамлакатда зўравонликнинг ҳар қандай шаклига бутунлай барҳам беришга даъват этувчи транспарантлар кўтарган студентлар ўққа тутилган намойиш ўтган йўлдан юрдилар.

20 йил мобайнида Миссури маъмурлари Америка тарихидаги шармандали саҳифалардан бирини одамлар хотирасидан ўчириб юборишдан умидвор бўлиб, ёдгорлик ўрнатилишига қаршилик қилиб келдилар. Фақат яқинда жамоатчилик қаттиқ туриб олганидан кейингина маъмурлар ёдгорлик ўрнатилишига рухсат бердилар.

ЛОНДОН. Британия лейбористлари ҳамон ҳукмрон консерватив партияга нисбатан анча, яъни 18 фоиз машҳурроқ бўлиб қолаяпти. Бироқ кейинги тўрт ҳафта ичида уларнинг тарафдорлари олти фоиз камайди. Ай-Си-Эм хизмати «Гардиан» рўзномаси учун ўтказган навбатдаги жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижалари шуни кўрсатди. Бу натижаларга кўра, фикри сўралганларнинг 50 фоизи лейбористларни, 32 фоизи торийларни, саккиз фоизи эса либерал демократларни қўллаб-қувватлади. Консерваторларнинг тарафдорлари бир ой аввал қанча бўлса, шунчалигича қолди, либерал демократлар партиясининг машҳурлиги эса икки баравар ошди.

«Гардиан» бу ўзгаришлар сабабини жамоатчилик фикрини сўраб билиш бутун Буюк Британияда ҳокимият маҳаллий органларига сайлов бўлганидан атиги бир ҳафта кейин ўтказилганлиги билан изоҳламоқда. Бу сайловда қуйи даражада доимо анча муваффақият қозониб келган либерал демократлар бир қанча яхши натижаларга эришган эдилар.



Кўриб турганингиз асло қўлбола кит эмас, ҳақиқий жонли китнинг ўзгинаси, ҳа ишонаверинг. Ҳозирги пайтда Ғарбий германиялик мутахассислар тобора камайиб бораётган оқ китлар устида фаол иш олиб боришяпти.

Суратда: биолог олим Фридрих Остенрат иш устида. Иккиси бир-бирига жуда қаттиқ ишонишади.

(ТАСС суратлавҳаси).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

УЛАН-БАТОР. Монголия Халқ Жумҳуриятининг олий суди бу ерда кучга кирган сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунга тўла риоя этиб мамлакатда сиёсий партияни расман рўйхатга олиш тўғрисида дастлабки қарорни қабул қилди. Биринчи бўлиб Монголия Халқ Революцион партияси — МХРП рўйхатга олинди, деб хабар қилади бугун «Унэн» рўзномаси.

МХР олий судининг граждланлар иши коллегияси қабул қилган қарорда МХРП 1921 йилда халқ революциясига раҳбарлик қилгани ва ўшандан буён монгол халқининг туб манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилиб келаётганлиги таъкидланган. Илгари у Монголия Халқ партияси деб атаcларди, кейин унга бошқа ном берилди ва шу ном билан рўйхатга олинди.

Монголия Халқ Революцион партияси илгари йўл қўйилган хатоларни рўй-рост тан олиб ва улардан принципиал хулосалар чиқариб, ўзини ўзи янгиламоқда. Унинг сафларида 90 мингдан зиёд аъзо бор, деб таъкидланади МХР олий суди қабул қилган қарорда.

КАНБЕРРА. Тинч океанининг жанубий қисмидаги ядросиз зона тўғрисидаги шартномага содиқлигимиз Австралия ҳудудида ядро қуролини жойлаштиришга йўл қўймайди, деб таъкидлади Австралия Бош вазири Роберт Хоук. У маҳаллий матбуотда АҚШ ҳозир Филиппинда жойлашган ўз ҳарбий базаларини Австралияга кўчириши мумкинлиги тўғрисида хабарлар босилганлиги муносабати билан шундай баёнот билан чиқди. АҚШнинг шу ерда турган айрим ҳарбий кемаларида, тахминларга кўра, ядро қуроли бор. Бош вазир Қўшма Штатлар ҳозирча филиппин ҳудудидаги базаларни Австралияга кўчириш тўғрисида унинг ҳукумати билан музокаралар олиб бормаганлигини айтди.

(ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

УЧ МЕТРЛИ ОВҚАТ

● ИСПАНИЯЛИК машҳур қўшиқчи Хулио Иглесиас Кастельон шаҳрида катта муваффақият билан ўтган навбатдаги концертидан сўнг таниш ва мухлисларини кечки овқат билан меҳмон қилмоқчи бўлди. Ресторанга гуруч ва чиғаноқлардан тайёрланувчи испанларнинг миллий таоми «паэллья» буюрилди. Ошпазлар овқатни вақтида тайёрлаб бериш учун астойдил меҳнат қилдилар. Ахир, уч метрли товада 2500 кишига етадиган «паэлль»ни пиширишнинг ўзи бўладими?!

АНТИҚА УСУЛ

● ҲАР БИР футбол командаси устозининг ҳал қилувчи ўйин олдидан шогирдларига йўл-йўриқ беришнинг ўз усули бўлади: яхшилаб машқ қилиш, рақиб тактикасини муҳокама этиш, барча нарсаларни калладан чиқариб ташлаб, маза қилиб дам олиш ва ҳоказо. Лекин, Американинг «Чикаго айиқлари» профессионал командаси тренери антиқа йўл тутади. Навбатдаги учрашувдан олдин у футболчиларга тимсоҳ гўштидан тайёрланган қовурдоқ тамадди қилишни тавсия этади. Унинг фикрича, бу овқат спортчи кучига куч қўшар эмиш.

ОРЗУСИГА ЭРИШДИ

● ҲИНДИСТОН Ҳарбий Ҳаво Кучларида техник бўлиб хизмат қилувчи В. Р. П. Рамана исмли киши кўпдан бери «Гиннеснинг Рекордлар китоби»дан ўрин олишни орзу қилиб юрарди. Яқинда у орзусига эришди. ПТИ агентлигининг Чандигараха шаҳридан хабар беришига кўра, Рамана дам олмасдан 463 соат рақс тушиб жаҳон рекордини ўрнатди.

ПУЛИНГ БОРМИ, ҚЎЛИНГНИ ЮВ!

● ГАНА банки раҳбарлари тавсия қиладилар: «Пул ушлашдан олдин қўлингизни, албатта, ювиб олинг». Ушбу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаш учун уларда жиддий молиявий асослар бор. Банк бошқарувчиси Фелисия Квартейнинг баёнотига қараганда қоғоз пулларнинг ўртача «умри» бир йил. Бу жаҳон кўрсаткичидан беш марта камдир. Бундай аҳволнинг асосий сабаби — харидор билан сотувчиларнинг қўлларини ювмасликларидадир. Айниқса, тирик балиқ ҳамда кўмир билан савдо-сотиқ қилувчиларга тааллуқли бу гап. Бундан ташқари пуллар кўп букланганлиги туфайли яроқсиз ҳолга келади. Мамлакатда қуйидаги маталга риоя қилувчилар ҳам оз эмас: «Эмишки ёнингда қанчалик кўп пул юрса, у бало-қазолардан шунчалик қаттиқ асрайди сени».

Бир хат изидан

ШУБҲА

«БАҲС» НЕГА ТАРҚАТИЛДИ?

Қўйнингизга солганингиз сиз ўйлаган нарса эмас, чўғ бўлса нима қиласиз? Ўзингизни қўярга жой топа олмай қоласиз, шундай эмасми? Киров ноҳиясида мутасаддилар «Баҳс» деб номланган ижтимоий-сиёсий мунозара клуби ташкил этдилару, кейин уларнинг ўзлари зир югуриб қолдилар. «Баҳс»да баҳс бўлмади. Аксинча...

Қизиқда, авваллари сиёсат, иқтисод мавзусида лекция бўлса айрим одамлар ўзларини четга олардилар. Яширишнинг ҳожати йўқ. Қишлоқ жойларида бундай маърузалар номигагина ўтказиларди. Лекин ноҳия маданият уйида «Баҳс» иш бошлади-ю, кутилмаган ҳол юз берди. Қисқа вақт ичида унинг аъзолари кўпайиб кетди.

Иш режаси тузишда ноҳия маданият бўлимининг мудири Юсубжон Турсуматов икки оёғини бир этикка тираб туриб олди.

— Муқобил иш режаси тузиб, тасдиқлатишларинг шарт, — қатъий талаб қилди у.

Мудир айтганидек бўлмади. «Баҳс» ташкилотчилари нима қилишди денг?

— Қандай мавзуда баҳслашиш, фикр алмашиш клуб аъзоларининг ўзларига боғлиқ, — дейишди улар.

Шундай бўлди. Ҳар гал клуб аъзолари таклиф этган мавзу кун тартибидаги масалага айланди. Яна нима бўлди денг, Кенгаш аъзолари сайланиб ноҳияда ечимини топиш лозим бўлган ижтимоий муаммолар ўрганила бошланди. Йўқ, улар ёлғондан тоғ ясамоқчи эмасдилар. Йўл қўйиб бўлмайдиган иллатлар илдизига болта урмоқни мақсад қилгандилар...

Кенгаш аъзоси, ноҳия марказий поликлиника мудири Ғуломжон Маматалиев ўтган йилнинг 7 октябрида ноҳия агрохимлабораториясига борди-ю, кўнглида шубҳа уйғонди. Ноҳия тайёрлов корхонасига Сирдарё вилоятидан 4 октябрда келтирилган 49600 килограмм қовун таркиби ҳақида юқорига хабар берилмаганди. Қоидага кўра корхонага келтирилган маҳсулот ҳақида 12 соат ичида санитария-эпидемиология станциясига, халқ назорати қўмитасига маълумотнома юборилиши керак. Шубҳа гумонга айланди. Кенгаш аъзоси алоқадор ташкилот вакиллари билан келтирилган қовунларни кўрикдан ўтказишди. Одатда истеъмол қилинадиган қовунларда нитрат миқдори ҳар бирида 60 миллиграмм бўлиши керак. Саралаб кузатишларда шу нарса аён бўлдики, келтирилган қовунларда бундай миқдор 259ни кўрсатди.

Чидаб бўлмайдиган ҳол. Селитра тўйинган қовунни еган одам касалга чалинмай қолмаслиги аниқ эди. «Баҳс» вакиллари тайёрлов корхонаси мутасаддилари билан биргаликда акт тузишди. Энди олисдан юборилган «тортиқ»ни ўз эгаларига қайтариш ёки сувга оқизиш қолганди, холос. Афсус, мўмай пулни кўзловчилар даромадни инсон соғлиғидан афзал кўрдилар. Яширин равишда ташилиб, пулга тузоқ қўйилди.

Пахтачиликда бутифосдан воз кечилиши катта ютуқ бўлди. Халқ заҳарли офатдан қутилди, деб чуқур нафас олдик. Аммо унинг ўрнига қўлланилаётган магний хлорид ҳам инсон соғлиғига зарар етказмай қолмас экан. Бошқача қилиб айтганда ёмғирдан қутилиб, дўлга дуч келдик. Қолаверса, уни қўллашдаги пала-партишлик, эътиборсизлик оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Кўзда тутилишича ғўза баргларини тўкиш учун магний хлорид тайёрада сепилса аҳоли турар жойидан 500 метр, махсус пуркагич (ОДН)да 300 метр узоқликда қўлланилиши керак. Афсуски, бундай қоидага камдан кам амал қилинади. «Баҳс» ташкилотчилари ноҳиядаги биргина Киров номли давлат хўжалигининг Новқот бўлимидаги шароитни ўргандилар. Шу нарса маълум бўлдики, Чимбой қишлоғи ҳамда «Ширин» болалар боғчаси атрофида бор-йўғи 10-15 метр нарида дефоляция қилинибди. Ахир, бу нима деган гап? Яна ўша эскичасига кўр-кўрона иш тутиш-ку. Қачон кўзлар очилади, қачон ширин ҳаётга оғу солишни бас қиламиз?

Магний хлориднинг заҳарли таъсирчанлиги бутифосга яқинлигини инкор этиб бўлмайди. Магний хлоридни пахтачиликда қўллаш кўрсатмасида худди шундай баён этилган. Унинг инсон эмбрионига зарари ҳам қайд этиб ўтилган. Демак, инсон наслига таҳдид солаётган хавф-хатардан бутунлай фориғ бўлмабмиз.

Киров ноҳиясида ўтган йили сариқ касаллигига чалиниш ниҳоятда кўпайиб кетди. Мутасаддиларнинг етарлича ишламасликлари, халқ назорати қўмитаси вакилларининг қатъий назорат ўрната билмаганликлари, табобатнинг қашшоқлиги, ижтимоий турмушнинг ёмонлиги шунга олиб келди. Бу ҳол болалар ўртасида янада яққолроқ кўзга ташланди. Шу боис ташаббускорлар ноҳия марказида парҳез болалар боғчасини ташкил этишни таклиф этдилар. Худди шу мавзуга бағишлаб йиғилиш уюштирилди. Аммо натижа бўлмади.

Болалар боғчаларидаги аҳволни яхши, деб бўлмайди. Айниқса, дала шийпонларидаги мавсумий боғчалар ачинарли аҳволда. Кичкинтойларга оддийгина ўйинчоқлар ҳам етишмайди. Кенгаш аъзолари бу борада ҳам маълумотлар тўплашди. Вазиятга баҳоли қудрат баҳо бердилар. Якун эса «Баҳс» йиғилишида кўрилди. Боз устига айбдорларнинг ҳисоботини тинглаш йўлга қўйилди. «Баҳс»да ноҳия миқёсидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, масъул шахслар ҳисоб бера бошладилар.

Йиғилишга келувчи аъзоларнинг сони ҳам орта борди. Қолаверса, ноҳия фирқа қўмитаси, ижроия қўмитаси, ички ишлар бўлими раҳбарлари ҳам мунозарага келишни канда қилмай қўйишди. Улар бу ерга тингловчи сифатида эмас, «Баҳс» фаолиятига шубҳа ва гумон билан қарашлари сабаб келардилар.

12 октябрь куни ноҳия рўзномасида маданият бўлимининг билдириши пайдо бўлди. Унда пахта йиғим-терими мавсуми қизғин паллага кирганлиги ва ноҳия маданият уйида таъмирлаш ишлари бораётганлиги муносабати билан машғулотлар тўхтатилганлиги қайд этилганди. Таассуфки, бу «Баҳс»ни тўхтатиш учун ўринли баҳона эмасди. Сабаб—таъмирлаш ишлари бинода яқиндагина ниҳоясига етказилган, машғулотлар эса ишдан сўнг бўш вақтда ўтказиларди. Шу боис, билдириш турли норозиликларга сабаб бўлди.

Аслида «Баҳс»га якун ясаш ҳақида кенгаш аъзолари эмас, маданият бўлимининг мудири Ю. Турсуматов ҳукм чиқарди. Бундай йўл тутишга у ҳақли эмасди. Чунки кенгаш аъзолари билан баҳамжиҳатлик зарур. Улар эса бундай қарордан бехабар қолдилар.

«Баҳс» маданият бўлими биносидан қувғин қилинди. У энди гоҳ момиқ фабрика клубида, гоҳ ширкат ошхона биносида ўтказила бошланди. Халқнинг дилида, турмушида тўпланиб қолган муаммолар кўп эди. Кўнгилларини бироз бўлсада юмшатиб олиш учун мавриди келганидан бағоят хурсанд эдилар. Аммо ҳақиқатни юзга айтиш, дилдагини тилга чиқариш ноҳия раҳбарларига ёқмади...

...«Баҳс» кенгаши раиси Қосимжон Солиевнинг уйига милиция ходими келди. Кейин унинг оёғини ерга теккизмай ноҳия прокуратурасига олиб бордилар. Кенгаш аъзолари Абдувоҳид Акромов, Баҳодир Маҳмудов, Фурқат Исмоилов, хуллас «Баҳс» ташкилотчилари шубҳага олинди.

Мунозара клуби тутган йўлнинг ҳамма жиҳатларини ҳам тўғри, деб бўлмайди. Чунки турли ташкилот ва корхоналар ишига аралашиш, тафтиш қилиш ваколатдан ташқари чиқиш эди. Раҳбарлар ҳисоботини тинглашни эса қоралаб бўлмайди. Аксинча, мутасаддиларнинг ўзлари халқ олдида ҳисоб бериб боришни одат тусига айлантирсалар фойдадан ҳоли бўлмас.

Оғриқ нуқталардаги камчиликларни фош қилувчилардан назорат органлари раҳбарлари фойдалансалар ғоят мақбул йўл бўлурди, бизнингча. Ахир жамоатчилар бундай ишларга жалб этилса боқибегамлик, юлғичлик, халқ маблағини ўзлаштириш қўлларига ғов ташланади.

Биз «Баҳс» мунозара клубининг ташкилотчилари аризасига биноан Киров ноҳиясида бўлдик. Ёшлар билан суҳбат қурдик. Кенгаш аъзоларининг фикрини тингладик.

Қ. ЭГАМБЕРДИЕВ, ноҳия жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси:

— Мен «Баҳс»ни мусиқали дам олиш клуби, деб ўйлагандим. Лекин унинг фаолияти ўзгача бўлди. «Фарғона воқеалари» атрофида гаплар авж олиб турган, халқ турли талаблар қўяётган вақтда иш бошладик. Албатта, англашилмовчилик, хатоларга йўл қўйиш бўлди. Раҳбарлар тутган йўл ҳақида бўлса ноҳия фирқа ва ижроия қўмитаси мутасаддилари чўчиб қолдилар. «Баҳс» халқни раҳбарларга тескари қилиб қўймасин, деб ўйладилар. Аслида мақсад битта эди. Муаммоларга ечим излаб халққа қўл, оёқ бўлмоқчийдик.

Б. МАҲМУДОВ, 27-мактаб рус тили муаллими:

— Клубда ноҳия миқёсидаги йиғилиб қолган ижтимоий муаммоларни муҳокама қилиб, кўнгилли равишда алоқадор ташкилот раҳбарларини йиғинга таклиф қилаётган эдик.

Мунозарадан «соғ-саломат» чиқиб олган таклифлар, танқидий фикрлар клуб кенгаши томонидан керакли идора ва масъул кишиларга етказилади. Навбатдаги машғулотда уларнинг тақдири маълум қилинади.

Бор-йўғи шу. Бунинг нимаси ёмон, билолмадим?

А. АКРОМОВ, ноҳия марказий поликлиникаси врачи:

— Кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий фикрлашини кенгайтирсак, мушоҳадасини ўстирсак, теварак-атрофимизда юз бераётган воқеалар хусусида жиддий ўйлашга ундасак, бунинг зарари йўқдир. Менимча, қайта қуриш пойдевори мустаҳкамланаётган ҳозирги шароитда «Баҳс»га ўхшаш клублар керак.

М. ШУКУРОВ, ноҳия комсомол қўмитаси ташкилий бўлим мудири:

— Мен иккинчи котибимизнинг соғлиғи ёмонлиги туфайли унинг ўрнига «Баҳс»да қатнашаётган эдим. Бундан буёғига унинг ўзи шуғулланади. Лекин клубда шубҳаланадиган нарса кўрмадик.

Ю. ТУРСУМАТОВ, ноҳия маданият бўлимининг мудири:


— Менинг қўлимда тўгаракларни қандай ташкил этиш кўрсатмаси бор. «Баҳс»дагилар халққа мусиқа ижро этсин, драмалардан парча қўйиб беришсин, кейин майли, мунозара ҳам қилишсин. Пуллик лекциялар ташкил этишимиз мумкин. Шунга риоя қилишса, маданият уйидан жой бераман. Шартга кўнишмаса...

Халқнинг хоҳиш-иродаси, истаги билан ҳисоблашмаслик яхши оқибатга олиб келмаган. Зотан, эндиликда уларнинг дард, ташвишларини бир қолипга солиб бўлмайди. Тўғри, ноҳия фирқа, комсомол қўмитасида ҳам, халқ депутатлари кенгаши ижроия қўмитаси раҳбарлари ҳам «Баҳс»нинг иш бошлашига хайрихоҳлик билдиришмоқда. Ваколатдан ташқари чиқиб кетмасликларини таъкидлашаётир. Албатта, эътирозлар ҳақли. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек кўнгилдан айтиладиган гапни қолипга солиш ҳам адолатдан эмас. Ахир Ўзбекистон ССР жумҳурият Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, жумҳурият Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: «...Қонунни бузмаётган, муаммоларни ҳал этишга, одамларнинг турмушини яхшилашга, вазиятни барқарорлаштиришга астойдил кўмаклашишни истаётганларнинг ҳаммаси билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш керак».

Фозилжон ШОДМОН,
«Ёш ленинчи» мухбири.
Фарғона вилояти.

Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллигига

«МЕН ХАЛҚИМНИНГ ЮРАГИДА ЯШАЙМАН!»



ДАВР ФАРЗАНДИ

Ҳамид Олимжоннинг юбилейини нишонлаш унинг ўзидан кўра кўпроқ биз учун, бугунги ва эртанги кунимиз учун зарур. Мамлакатимизда юз бераётган қайта қуриш ҳаракати қайси меросдан воз кечиш, қандай меросни қадрлаш ва умуминсоний қадриятларни қай ҳолда эъзозлаш масаласини ўртага кўндаланг қилиб қўйди. Ҳозир адабий зиёлиларимиз орасида қатор ўзбек совет ёзувчилари ижодини конкрет тарихий шароитдан, муҳитдан, сиёсий вазиятдан ва шу даврларда ҳукмрон бўлган хато ҳамда реакцион назария, таълимотлардан узиб олиб талқин қилиш, ҳатто уларнинг адабиётимиз ривожидаги ролини, ундаги мавқеини инкор этишдек хатарли тенденция туғилди. Бир ёки ўн киши, минг ёки миллион киши эмас, балки жаҳоннинг миллиардлаб кишиси нотўғри ғоянинг оғир кулфатини чекмоқда. Минг-минглаб қалам соҳибларининг, жумладан Ҳамид Олимжоннинг ҳам фожиаси шундаки, ленинизм ва коммунистик партия ниқоби остига яширинган сталинча социализм ғоясига сидқидилдан ишонган эди. Ўша 1931 йилда ёзган «Биз енгдик» шеърида «Партиянинг иродаси бизнинг йўлимиз!» деб ишонган эди. Бўлмаса жамиятимизнинг иқтисодий томондан қаддини кўтаришга олиб келаётган янги иқтисодий сиёсат — НЭП Сталин ва партия томонидан тўхтатилмаганида шоир «НЭПманларнинг димоғига оқизиб заҳар», деб ҳайқирмас эди. Октябрь ғоялари билан шижоатга ва романтик руҳга чўмилган, ғоят тез суръатлар билан янги ҳаётни қуришга киришган халқни кўрган шоир «Тарих кўрганми?», «Нима бизга Америка?» шеърларида «Эллик йил орқадан сафарга чиқиб қувиб ўтмакликка йўл олдик» деб ишонч билдирди. «Бахтлар водийси»да ҳам «Истиқболнинг ишқи билан ёнган», «Улуғ йўлда толиқмасдан тез келаётган» ўлкани, халқни, «қарашлари ўткир, ҳужумлари зўр янги дунёни», «юлдузга интилган мағрур даврни» куйлади. Шоир ана шу суратда мамлакат меҳнат қилса, бир кун «олий тилакларга етамиз», эркин меҳнат орқалигина «эртанги бахтимни чақираман», деб дилдан ишонди.

Ҳамид Олимжон социалистик жамиятни капитализмга нисбатан тарихан янги жамият, инсонпарвар, келажаги порлоқ жамият деб тушунди. Шунинг учун уни «қарри тантана», «илдизи чириган бир чинор», деб ёзди. Унинг бахт фалсафаси ҳам шундан туғилди. Улуғ Октябрь инсониятни янги ҳаёт йўлига — бахт йўлига олиб чиқди, яъни унга эрк, озодлик, тенглик берди:

Бахт топилмас ҳеч бир замонда
Эл қул бўлса, бўлса яланғоч.
Жаннатларни яратган одам
Натижада ўзи қолса оч.
Қувонч шулким, толе ёр бўлиб,
Бахтни топган элни кўролдим.
Асрларнинг қайғусин қарғаб
Шодлик ва бахт куйини чалдим.

Кишилик жамиятининг тараққиёт қонунияти нуқтаи назардан қараганда шоир ҳақ эди, бироқ Сталин бу тузум моҳиятини тамоман бузиб, инсонга ёв жамиятга айлантирди, янги жамият ғунчалигидаёқ чирий бошлади, капитализм эса ҳаётдан сабоқ олиб, яшариш йўлини топди. Ҳамид Олимжон ҳам социалистик жамиятни борлигича, қандай бўлса, шундай идрок этмади, балки орзу ойнасида, хаёл оғушида тасаввур этди. Шунинг учун адолатсизлик авж олган, чўққисига чиққан пайтда — 1938 йилда «Шодликни куйлаганимнинг сабаби» шеърида:

Чунки элим қайғуни билмас,
Чунки йўқдир Ватанда мотам,

— деб ёзди. Ваҳоланки худди шу йиллари Ҳамид Олимжоннинг ҳам боши Сталин қиличидан ўтказилишига бир баҳя қолган — Усмон Юсупов сақлаб қолган эди. Ваҳоланки Ҳамид Олимжон 1930 йилда ёзган «Миллатчилик ва аксилинқилобчилик билан кураш ва ўзбек пролетар адабиёти» деган мақоласида Чўлпон ва Фитратларни «аксилинқилобий реакцион кучлар» деб ёзган эди. Фитрат тўғрисидаги мақоласида эса уни «У миллатчилик адабиётининг бошида туриб раҳбарлик қилди», деб баҳолади. «Жадид адабиётининг синфий моҳияти масаласига» деган катта мақоласида «Маҳаллий буржуазия Октябрь инқилобига, маҳаллий меҳнаткашларнинг инқилобий ҳаракатига қарши қуролланади. Жадид буржуа шоирларининг ижодларида буржуазиянинг ана шу фожиаси, ана шу ҳолати акс этади. Ватанпарастлик, миллатчилик, пантуркизм бутун қувват билан кучга киргизилади. Панисломизм авж олади. Фитрат, Шокир Мухторий, Сидқий, Тавалло Хўжамёров, Чўлпон, Каримбек Шарифбек ўғли — Камий ва ҳоказолар ватан ва миллатнинг хавф ва таҳлика остида қолганини куйлаб фарёд кўтарадилар», деб ёзади. Ҳамид Олимжон Миён Бузрук тўғрисида сўзлаб, «У синфий ҳушёрликка чақирмайди», дейди. Афсуски, Сталин чиғириғи синфий ҳушёрлик шиори ва ниқоби остида халқнинг гулини қириб ташлади, социалистик идеаллар йўлида адабиётда қилинган «синфий ҳушёрлик»дан улар ўзларининг разил ниятлари учун фойдаландилар. Ачинарли томони шундаки, Ҳамид Олимжон шоиргина эмас эди, айни чоқда ўнлаб принципиал адабий-танқидий, назарий мақолалари орқали ўз даврининг йирик идеологи сифатида (кўп ўтмай ёзувчилар етакчиси даражасига кўтарилди ва Жумҳурият Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилди) марксча-ленинча ғоялар учун фаол ва фидойиларча курашган эди. Ҳамид Олимжоннинг Уйғун билан ҳамкорликда 1933 йилда ёзган «Социалистик реализмни эгаллаш йўлида» деган мақоласини ўзбек адабиётшунослигида воқеа дейишга арзийди. У ҳали Совет ёзувчиларининг I Бутуниттифоқ съездидан бир йил аввал дунёга келган ва шу съездда қабул қилинган Ёзувчилар уюшмаси низомидаги концепция билан ҳамоҳанг, муштарак йўналишда эди. Мақоладаги мазкур методга доир кўп гапларни ва «шоҳ асарлар фақат социалистик реализм методи билангина яратилажак» деган фикрни бир чеккага қўя турайлик. Чунки олтмиш йилча давомида назариётчилар ҳам, амалиётчилар, яъни ёзувчиларнинг ўзлари ҳам шу фикрни тўхтамай такрорлаб келдилар. Аслида Ҳамид Олимжон ҳам йирик санъаткорлар каби социалистик методнинг имконияти катта деб ўйлаган.

«Бир хил назариячиларнинг ўйлаганлари каби, — деб ёзадилар Ҳамид Олимжон билан Уйғун, — социалистик реализм санъаткорларни бир турлиликка олиб келиб тақамайдир. У санъаткорларни илгаридан белгиланиб қўйилган маълум ўлчов остида асар яратишга, ҳаммасини ҳам бир-бирига ўхшаб бир турли ижод майдонига келтиришга мажбур этмайдир. Балки, аксинча, социалистик реализм санъаткорни кўрилмаган даражада ранг-баранг этиб, тараққий қилдиришда, шахснинг ҳар ёқлама кенг миқёсда бир-бирига ўхшамаган ўзига хос хислатлар билан ўсувига, талантнинг бор бўйича тараққий қилишини шахснинг ўз салоҳия майдонига қўяди».

Афсуски, амалда бундай бўлиб чиқмади, фақат иқтидорли ёзувчиларгина мазкур усул имкониятини намойиш қила олди, унга эркин ёндашиб, «маълум ўлчов» доирасини дадил ёриб чиқиб, ўлмас асарлар ёза олди. Ҳамид Олимжон Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасига раҳбар бўлганда бутун ақл-идрокини, талант-қобилиятини ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантиришга қаратди. Бу борада унинг тўртта жуда аниқ ва тиниқ дастуриламали бор эди: янги воқелик, ўзбек классик адабиёти, халқ ижоди ва рус адабиёти, қардош халқлар ва жаҳон адабиёти — шу тўртта манбага суянгандагина адабиёт ва санъат ривожланиши мумкин деб ишонди ва ижодий зиёлиларни шу йўлдан етаклади. (Ҳамид Олимжон ижоддаги биринчи асосни — қобилиятни бир дақиқа ҳам унутмайди ва Ғайратий тўғрисидаги мақоласида «Шоирда бўлган талант унинг яшаб, қайнаб ва курашиб турган муҳитидан олган илҳомларини кучли ва муваффақиятли чиқариш учун ягона қуролдир», дейди). Ҳамид Олимжоннинг Навоий, Муқимий, Фурқат тўғрисидаги, халқ ижоди ёки жаҳон адабиёти намояндалари тўғрисидаги мақола, нутқ ва қайдлари унинг кенг фикрли ва теран шахс эканлигидан далолат беради. Шу ўринда кичик бир нуқтага эътиборни тортмоқчиман. Ҳамид Олимжон Муқимий тўғрисида мақола ёзишга тайёргарлик кўрар экан, унинг шеъриятдаги танқидий йўналишдан бошқа бир оҳангни — кўтаринки оҳангни тинглайди. «Муқимий шунча азоблар ичида бўлса ҳам ўз ватанининг гўзаллигини мақтар эди», деб мисол беради ва ёзади: «Муқимий ўз ватанини яхши кўрар эдими? Бу ватанда, шундай қаро тунда, унинг кўнгли хушлаган нарса нима?» Гарчанд мақолада бу саволларига жавоб бермаган бўлса-да, Ҳамид Олимжон ўзининг 30-йилларда халқ ҳаёти оғир бўлса-да, мамлакатда қирғинлар-адолатсизлик қиличи ҳар бир одамнинг бошида ўлим хавфини солиб турган бир пайтда шодликни-бахтни куйлашининг яна бир илдизи, сабаби унинг ўз ватанига бўлган чексиз муҳаббати туфайли эмасмикан!? Унинг 1943 йилда Москва Ёзувчилар клубида ўқиган «Ўзбек халқининг адабиёти» деган маърузасига бир диққатни қаратайлик. Шоир ўзбек халқи араблар босиб келганда «такомиллашган ёзув, юксак маданиятга эга бўлган» халқ эди, деб таъкидлайди. Яссавийни, «Қиссаи Юсуф»ни, Рабғузийнинг «Қиссасул-анбиё»сини тилга олади, «Темурийлар даври»нинг адабиёт-санъати тўғрисида фикрлайди. «Навоий фақат ўзбек адабиётининггина эмас, балки бутун Шарқ адабиётини ўз сиймосида мужассамлаштирди ва Шарқ адабиёти тараққиётида янги бир давр очди», деб ҳақиқий баҳосини беради. Унинг Бобурни улуғлаши биз учун қимматлидир. Уни «талантли классик», дейди. «Бобурнома» ўзбек классик прозасининг ажойиб намунасидир», «Бобурнинг қалами, худди рассом қалами сингари, муаллиф энг мушкул аҳволда қолганида ҳам ҳаётни реал тасвирлайди», дейди. Машрабни ҳам «талантли классик» деб таърифлайди ва «халқнинг хотирасида донишманд Насриддин Афанди билан бир қаторда яшайди», дейди.

Ҳамид Олимжон Ўзбекистонда вақтинча яшаётган бир неча ўнлаб машҳур совет ёзувчилари, таржимонлар ва олимлари кучидан фойдаланиб Яссавий, Дурбек, Атойи, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Муҳаммад Солиҳ, Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Зебуннисо, Муқимий, Фурқат асарларини, халқ қўшиқларини, «Алпомиш», «Орзигул», «Равшан» достонларини ва Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Уйғун, Темур Фаттоҳ, Зулфия каби ёзувчи, шоирлар асарларини рус тилига таржима қилдиришга бош-қош бўлади. Рус тилида қатор альманахлар чиқартиради, рус олимларига ўзбек адабиёти, ўзбек халқ оғзаки ижоди тўғрисида тадқиқотлар қилдиртиради. Ойбекнинг «Навоий», Ғафур Ғуломнинг «Мен Шарқдан бораётирман» китобларига СССР Давлат мукофотининг берилиши шу таржимачилик ишининг сифати билан ҳам боғлиқ эди.

Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» фожиаси ўша вақтда халқни озодликка ва душман устидан ғалабага чақирувчи оташин гимн янглиғ жаранглади. А. Фадеев томонидан ўзбек Жанна д'Арки деб таърифланган Гулойин ва Муқанна эркни байроқ қилиб мардларча курашадилар. Бу қаҳрамонона романтик руҳдаги асарнинг бутун жисми, руҳи фашизм билан ҳаёт-мамот курашини олиб бораётган халққа қаратилган эди: «Бир бошимга юз минг бало келса ҳам, шу тупроқдан силжимайман бир қадам», дейди Муқанна. Ҳамид Олимжоннинг уруш давридаги ижоди хусусида гапирганда унинг оташин, эҳтиросли, ёниқ, самимий ва инсонпарварлик руҳи билан суғорилган публицистикасини, айниқса, шу давр ўзбек публицистикасининг шоҳ асари бўлмиш «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман!» нутқини эсламасдан бўлмайди.

Ҳа, Ҳамид Олимжон чин дилдан, қалб тубидан ишонч билан сўзлар эди. Эҳтиросларнинг қайноқлиги, самимийлик ва халқчиллик унинг шеъриятининг юраги, қаноти эди. Ахир лирика бир чеккага суриб қўйилган бир пайтда — 30-йилларда Ҳамид Олимжон ажойиб қайноқ муҳаббат лирикасини яратди ва ҳатто шу лирик шеърлари орқасидан гап ҳам эшитди, миллатчилик оҳангларини топмоқчи бўлишди улардан. Ҳамид Олимжоннинг «Хайрлашув», «Манзара», «Офелиянинг ўлими», «Жануб кечасида», «Хаёлингла ўтади тунлар», «Хаёлимда бўлдинг узун кун», «Ишим бордир ўша оҳуда», «Соғинганда», «Ўрик гуллаганда», «Ҳол», «Севги», «Ниҳол» каби боқий, лирик шеърлари ўзбек поэзиясида алоҳида ўрин тутади. Ахир янги, эркин севгини юқори пардаларда куйловчи «Зайнаб ва Омон» асари достончиликда янги сўз бўлган эди-ку! Шоир достонни «Олам сари сочиб янги онг, секин-секин ёришарди тонг» каби ажойиб мисралар билан — янги замонда туғилаётган янги одамларга ишора қилиб тугатади. Шоирнинг ҳозиргача халқ оғзаки ижоди анъаналари мактабидан баҳраманд бўлишнинг ажойиб намунаси бўлиб қолган «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» достонлари унинг беоистисно катта қобилиятидан шаҳодат беради. Ахир Николай Тихонов «у қалбан улкан шоир эди» деганида ёки В. М. Жирмунский «Ҳамид Олимжон — асос эътибори билан лирик шоир... Ҳамид Олимжоннинг бутун поэзиясига чуқур сингиб кетган оптимизм унинг ўз жонажон халқига, унинг битмас-туганмас куч-қудратига, улуғ социалистик инқилоб белгилаб берган ёрқин ва қувноқ келажакка бўлган ишончи билан боғлиқдир» деганда ёки Юрий Олеша «Литературная газета»нинг 1948 йил 19 май сонидаги мақоласида «Семурғ» — «бахт ҳақидаги янги асар», деганларида ҳақиқат туйғуларидан келиб чиққанларига шубҳа бўлмаса керак.

Ҳамид Олимжон ҳам лирикамизни, ҳам достончилигимизни, ҳам драматургиямизни, ҳам публицистикамизни, ҳам адабиёт ҳақидаги илмимизни, ҳам таржимачилигимизни юқори босқичга кўтарди. Айни чоқда у жамоат арбоби сифатида ўзбек адабиёти ва маданиятининг жонкуяри, байналмилал туйғули раҳбар-фуқароси сифатида ҳам ўрнак бўлиб қолди. Ҳам янги инқилобий замон, ҳам қалтис ва адолатсиз давр совет кишилари, айниқса, зиёлилар, адабиёт ва санъат кишилари қалбига не-не доғларни солмади, бу кулфатлар, адашишлар улуғ мақсад йўлида дуч келинган ғовлар эди, ҳақиқий иқтидорлар одампарварлик, адолатпарварлик ғояларига мафтун бўлиб, уларни ҳар доим тарғиб этиб ўтдилар ва шундай асарлари ҳар доим инсонлар билан ҳамдам бўлиб қолади. Ҳамид Олимжон ҳам «Жисмимиз йўқолур, ўлмас номимиз, Ғалаба тўйида бўлармиз биз ҳам» деганда шу жиҳатдан ҳақ эди.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ.



Ҳамид Олимжон 1930 йили Деҳқонлар қурултойи қатнашчилари даврасида.

Ёшлик чоғимда

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.

Қушлар сайрар жонимга пайваст,
Мен севгининг бўйи билан маст.
Куни билан далада қолдим,
Лолазорлар ичра йўқолдим.

Қучоқ-қучоқ гуллар терганим
Ва келтириб сенга берганим
Кечагидай ҳамон эсимда,
Ҳар сония, ҳар он эсимда.

Шундан бери тилимда отинг,
Шундан бери дилимда отинг.
Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.

Соғинганда

Кабутардек юрак урганлар,
Неча кундир сенсиз яшади.
Мана, кўркам, энди ҳар нафас
Вужудимда ўт туташади.
Неча кундир йўқолди тинчим
Ва уйқуга этдим алвидо,
Неча кунлар, неча соатлар
Хаёлингга айладим фидо.
Ўтар экан тунлар ва кунлар,
Айриликда ахтариб висол
Ва тонгларда якка ҳам ўйчан
Кезар экан паришон ва лол.
Борлиғимни исмингни айтиб
Чулғаб олар бир гўзал хаёл
Ўша жилва ва ўша оташ,
Ўша кўзки, сузгун, хаёлкаш,
Ўша имо, ўша ишора
Эта бошлар юракни пора.

1936.

Ҳулкарнинг шеъри

Қизимга

Муҳит узра қанотингни ёз,
Оқ қушларнинг ўлкасида юр.
Даста-даста гуллар келтирсин,
Шўх ва қувноқ дўстларга буюр.

Уфқларда сайр этгин мудом,
Қуёш келиб сувга чўкканда...
Ой, булутлар орасидан шом
Этак-этак шуъла тўкканда...

Тўшаб алвон-алвон гиламлар,
Сенинг билан яшнасин баҳор,
Сенинг билан хуш бўлсин дамлар,
Сенга доим шодлик бўлсин ёр.

Сени кўрса очилсин гуллар,
Сени кўрса ёнсин булбуллар,
Сени кўрган бари топсин жон,
Сен юрган ер кўрмасин хазон.

1937.

Гўзалликка ошно дунё

Лирик кайфиятда ёзилган шеърлар... Тонгги беғуборликнинг дилга ҳаяжон солғувчи лаҳзаларини энг ёрқин бўёқларда чиза олиш... Самимий туйғуларнинг сел янглиғ тўкилиши... Ҳар бир юракка ошно дардлар. Бу чинакам шоирнинг эл оғзига тушиши, халқнинг ардоқли фарзандига айланиши, ўз дунёсини мухлислари тасаввурида мангу қолиши учун ҳар кимга ҳам нораво қудратли изланишнинг буюк нишонаси.

Ҳамид Олимжон ижоди билан боғланган шеърхонни ана шу нафислик кўпроқ ушлаб туради. Шоирдаги ўзига хос оҳангдорлик ашъорга ўч халқимиз қалбида камалак жилосидай муҳрланиб қолган. Яъни самимиятга қоришиқ оҳангдорлик.

Шоир ўзи тасвирламоқ истаган манзаралар оғушида ҳайрат, болаларча завқ ила кезади. У кўз ўнгимизда дераза олдидаги баҳорий маъсумлик белгиси — борлиққа зеб ўрик гулларига мастона термулган кўйи ифодаланади. Рамзийликдан рамзийроқ ифода; ташқарида иφорли олам. Бунда эса шоир — гўзалликка дили интиқ дунё. Фақатгина кўнгил кўзига аён ранглар шовуллаб оқади. Ланг очиқ деразадан.

Ҳамид Олимжоннинг юрак зарбларига эш беҳаловат онлар — ишқнинг оташли чоғларида самовий сеҳри афсун қучоғида яратган шеърлари ҳар ошиқнинг дил рози. Улар кўнгиллар мулкига айланган десакда янглишмаймиз.

Тан олиш керак, ҳамиша ҳам адолатсизлик авжланган даврда ижод аҳли бошида пойдевори номустаҳкам ғояларга сиғинган сиёсат қамчиси ҳаволаниб турса барибир руҳий эркинлик чекланади. Ҳамид Олимжоннинг айрим шеърлари ана шу жараёнда дунёга келди. Лекин унинг лирик шеърларидан беғубор ва бегуноҳ гўдак нафаси келади, назаримда.

Қўчқор НОРҚОБИЛ.

УЧРАШУВ

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон ҳаёти ҳамда ижодини акс эттирувчи экспонатлар қизиқарлилиги билан томошабин диққатини жалб этади. Бу қимматли материаллар — бизгача эъзозланиб, сақланиб келинган турли ҳужжатлар, хотиралар, мактублар, қўлёзмалар, суратлар орқали адабиёт ва санъат ихлосмандлари, табиатга чексиз ошиқ бўлган шоир, айни пайтда олим, драматург, давлат ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжон билан худди хаёлан учрашгандек бўладилар.

Кўргазмада, албатта матнли материаллар ҳам бор. Ҳ. Олимжон талабалик йилларидаёқ ажойиб шеърлар ёзган. Шоирнинг ёзганлари 1926 йилдан «Зарафшон» рўзномасида чиқа бошлади. Унинг «Кўклам» номли илк шеърий тўплами 1929 йилда нашрдан чиқди. Кейинроқ «Ўлим ёвга!», «Пойга» ва бошқа номдаги тўпламлари олам юзини кўрди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, кўргазмаларда шоирнинг кўплаб китоблари ўзига муносиб ўрин олган. Давр билан бирга одим ташлаган, ўз ижодида социализм қураётган халқимизнинг меҳнат қаҳрамонликларини қаламга олган шоир, 30-йилларда адабиётимизда ижтимоий лириканинг энг яхши намуналарини яратди.

Шоир шеъриятининг қаҳрамони ватанпарвар совет кишиси. «Водийларни яёв кезганда» шеърида лирик қаҳрамон янги турмуш яратувчиси сифатида ўқувчи кўз олдида намоён бўлса, Улуғ Ватан уруши йилларида жангчи Турсун бўлиб гавдаланади. Шоир қаҳрамони ҳақиқий байналмилалчи. Шу ўринда «Роксананинг кўз ёшлари» балладасини эслаш жоиз. Асарда шоир совет кишиларининг дўстлиги, ватанпарварлигини ғоятда ҳаётий ва самимий ифодалаб бергани ҳозирда ҳам улкан тарбиявий аҳамият касб этади.

Бу ерда таниқли санъаткорлар яратган шоир сиймолари диққатни тортади. Рассом В. Ковинин 1975 йилда яратган, мисгар рассом О. Азизов кандакорлик услубида ишлаган шоирнинг бўртма сиймоси шулар жумласидандир. Маҳорат ва дид билан бажарилган бу икки асарда, томошабин кўз олдида улуғ ижодкор — шоир образи яққол гавдаланади. Чунки, рассомлар ўз ишларига меҳр билан ёндашиб, табиат ошуфтаси бўлган, асарларида шодлик ва бахт тароналарини куйлаган шоир сиймосининг ўзига хос томонларини чизишга интилганлар.

ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ҳ. Олимжон ўзбек адабиётининг долзарб масалаларини қаламга олиб, бир қатор илмий мақолалар ёзган. У Алишер Навоийнинг 500 йиллигини ўтказиш юбилей қўмитасининг аъзоси сифатида, буюк шоир ҳаёти ва ижоди юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб борди. Кўргазмалар орасидаги суратлардан бирида Ҳ. Олимжон шу юбилей қўмитасида таниқли олимлардан Ҳоди Зарипов ва Порсо Шамсиевлар билан фикрлашиб турганлиги акс этган. Чунончи, «Ҳ. Олимжон ва Якуб Колас», «Ҳ. Олимжон ижодкорлар даврасида» номли суратлар ҳам ўзининг ноёблиги билан қимматлидир.

Ҳ. Олимжон «Дарё кечаси», «Чирчиқ соҳилларида», «Ўлка», «Бахт» тўпламлари, «Ойгул билан Бахтиёр», «Зайнаб ва Омон», «Семург» достонларида даврнинг илғор ғояларини тараннум этди. Улуғ Ватан урушининг оловли йилларида жангчиларимизга ота-боболаримизнинг қаҳрамонликларини эслатиб қўйиш зарурати туғилганда унинг «Муқанна» номли шеърий драмаси яратилди. «Муқанна»нинг асл қўлёзма нусхаси нодир экспонат ҳисобланиб, мухлисларда қизиқиш уйғотмоқда.

Шу каби қўлёзмалар сақланадиган кўргазмалардан «Ўзбекистон» номли шеърининг рус тилига қилинган таржимаси (таржимон Д. Пеньковский) қўлёзмаси, шунингдек, Садриддин Айнийнинг Ҳамид Олимжонга Самарқанддан йўллаган мактубининг қўлёзмаси ҳам ўрин олган.

Баҳодир ВАЛИЕВ,

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ БУТУНИТТИФОҚ КАШШОФЛАР ТАШКИЛОТИ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

«Болаларни яхши кўраман»

Ҳамидулла Йўлдошевнинг ҳаёт йўли ажойиб. У киши умр бўйи ўқиб, ўқитиб, изланиб яшамоқдалар.

— Ўқувчилик йилларимни ҳамон ҳаяжон билан эслайман, — дейди у киши биз билан суҳбатда. — 7 йиллик мактабни тугатганимдан сўнг, В. И. Ленин номли 1-педагогика билим юртида таҳсил олдим. Ўша кезлари билим юрти Янгийўл ноҳияси хўжаликларини оталиққа олган эди. Сабзавот, мева ва пахта йиғим-теримида меҳнаткашларга ёрдам берардик. Ёзда меҳнат-роҳат лагерида ҳам меҳнат, ҳам дам олишни қойил қилардик.

Ҳамидулла ака 1938 йили Ленин комсомоли сафига қабул қилиндилар. Яна ҳам жиддийроқ ўқишга, жамоат ишларида ташаббускор бўлишга ҳаракат қилардилар. Бешёғоч даҳасида дам олиш боғи барпо этиш ҳақида гап бўлганда бутун комсомоллар оёққа туриб, дарсдан бўш вақтида ўша ерга борарди. Замонавий техника қайда дейсиз? Оддий кетмон, белкурак, замбил билан иш бажарилардн. Ҳаммаёқ чанг-тўзон бўлишига қарамасдан ҳеч ким ўзини четга олмас, берилиб, астойдил меҳнат қиларди.

Педагоглар ҳам бошқача эди. Астойдил жон куйдиришарди.

1939 йили педагогика билим юртини тугатган Ҳамидулла ака Йўлдошев маориф тақсимотига биноан Сирдарё ноҳиясидаги Тельман номли 19-етти йиллик мактабга ишга юборилди. Бошланғич синф ўқитувчиси бўлган бу йигитча тез орада жамоада обрў қозонди. Илмий бўлим мудири этиб тайинланди. Икки йил ишлашди-ю, ёвги таътилга чиқишди. Уруш деган мудҳиш хабар ўшанда тарқалганди.

Ҳамидулла акага ҳарбий комиссариатда Олмаотадаги ҳарбий билим юртига уч ойлик ўқишга боришни айтишди.

Етим қолган гўдакларни оқ ювиб, оқ тараш да жонбозлик қилди, Тошкентга қайтди. Бу ишини пойтахтда ҳам давом эттирди.

1942 йил дорилфунуннинг филология факультетига кириб, уни муваффақиятли тамомлади.

1928 йили жасур комсомол қиз Фотима Сиддиқованинг Тошкент ноҳиясидаги Қирариқ қишлоғида ваҳшийларча ўлдирилганидан хабардор эдилар. Фотиманинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида тинимсиз изланарди.

Орадан йиллар ўтди. Изланишлар натижасида Фотима Сиддиқованинг сафдошлари Эски шаҳар комсомол қўмитаси котиби Солиҳ Юнусов, комсомол фаоллари Неъмат Пўлатов, Ҳикоят Ҳасанова, Ғози Тўраев, Қосим Дадабоев, Тошхўжа Хўжаевларни топиб, улар билан суҳбатлашилди. Кўп эсдаликлар ёзиб олинди.

Изланиш шу тариқа давом этаверди. Ҳамидулла Йўлдошев жумҳурият комсомол Марказий Қўмитаси ҳамда С. Раҳимов ноҳия комсомоллари кўмагида Чиғатой қабристонидаги Фотиманинг қабрига ёдгорлик ўрнатишга бош бўлди. Ф. Сиддиқова хотирасига бағишланган ҳужжатли фильм яратишга эришдилар.


Бу ишлари учун Ҳамидулла ака Йўлдошев ҳукуматимизнинг, комсомол ва халқ таълим органларининг қатор мукофотлари билан тақдирланган.

У киши меҳнат ветерани, ибратли оиланинг бошлиғи. Ҳамидулла акадан фарзандлари ҳақида сўраганимизда «Болаларни яхши кўраман. Етти фарзандим бор», дея жавоб бердилар ғурурланиб.

Ҳамидулла ака Йўлдошев қарилик пенсиясига чиққанлар, лекин болаларни эсдан чиқарганлари йўқ. Тез-тез мактабга, кашшофлар саройига бориб, изланиш натижаларини гапириб берадилар.

Муршида НИЗОМОВА,
Собир Раҳимов ноҳиясидаги Абдулла Набиев номли кашшофлар уйи ходими.





Тошкент ҳайвонот боғида

Сураткаш В. ТЎРАЕВ.

КУРАШ ЭНДИ БОШЛАНАДИ

Биринчи лига командалари ўртасидаги кураш янада кучайиб бораяпти. Агар чемпионат бошланишидан ўйинларни кузатиб бораётган синчков мухлислар бўлса, ҳозирнинг ўзидаёқ ҳатто қайси команда олий лигага яна бир-икки турдан сўнг даъвогарлик қилишини бемалол айтиб бера олади. Лекин футбол барибир футбол-да. Ҳозирдан бирон нарса деб каромат қилиш қийин. Кутилмаган ўйинлар, ўзгаришлар ҳам бўлиши мумкин.

Мана чемпионатда бўлиб ўтган навбатдаги тур ўйинлари натижалари билан танишсангиз, изоҳга ҳожат ҳам қолмайди:

«Локомотив» (Г) — «Геолог» (Тюмень) — 0:0; «Кубань» (Краснодар) — «Таврия» (Симферополь) — 0:0, «Динамо» (Сх) — «Тирас» (Тирасполь) — 0:0 «Нистру» (Кишинёв) — «Котайк» (Абовян) — 1:1, «Металлург» (Запорожье) — «Спартак» (Орджоникидзе) — 0:0, «Факел» (Воронеж) — «Шинник» (Ярославль) — 3:0, «Ростсельмаш» — «Локомотив» (М) — 0:1, «Динамо» (Ст) — «Кузбасс» — 3:1.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

КОМАНДАЛАР	Ў	Ю	Д	М	Т	О
«Металлург»	9	4	4	1	9—3	12
«Шинник»	9	4	3	1	10—5	11
«Геолог»	8	4	3	1	9—7	11
«Пахтакор»	9	4	3	2	14—13	11
«Спартак»	7	4	2	1	15—4	10
«Кайрат»	9	4	2	3	13—10	10
«Динамо» (Ст)	8	4	2	2	12—11	10
«Факел»	8	4	1	3	11—7	9
«Локомотив» (М)	7	3	3	1	10—5	9
«Котайк»	7	2	4	1	8—3	8
«Нефтчи»	8	2	3	3	12—11	7
«Нистру»	9	1	5	3	11—17	7
«Ростсельмаш»	8	2	2	4	10—13	6
«Локомотив» (Г)	8	1	4	3	5—10	6
«Таврия»	7	0	6	1	1—2	6
«Динамо» (Сх)	5	2	1	2	2—3	5
«Зенит»	7	1	3	3	5—9	5
«Тирас»	7	0	5	2	3—9	5
«Кубань»	7	1	2	4	2—12	4
«Кузбасс»	8	0	2	6	2—10	2

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ФРАНЦУЗ ХАНДАЛАРИ

— Тото, ёлғон гапириш яхши эмас. Мен сенинг ёшингда ҳеч қачон ёлғон гапирмаганман.

— Унда неча ёшда бошлагансиз ёлғон гапиришни?

* * *

Ўқитувчи ўқувчиларнинг бирига:

— Сенинг даданг уй вазифаларини тайёрлашда озгина ёрдам берса бўларди, — деди.

— У энди ҳечам ёрдам бермайди, — деб жавоб берди ўқувчи. — Чунки унга арифметикадан ёмон баҳо қўйганингиздан бери жаҳли чиқиб юрибди.

* * *

Машҳур инглиз олими сув ости телеграфи ҳақида лекция ўқирди. Лекциядан сўнг бир хоним олимга мурожаат қилди:

— Раҳмат, жаноб профессор, мен ҳамма айтганларингизни тушундим. Лекин айтингчи, нима учун сув ости телеграммалари бизга бутунлай қуруқ келади?

Французчадан **А. АСҚАРОВ** таржимаси.

Табиб бўлса айбми?

Мен ҚҚАССРнинг Тўрткўл ноҳиясида ўқитувчи бўлиб ишлайман. Сохта, чаласавод фолбин, афсунгарларга ишонмайман. 1983 йили сариқ касали билан оғриб, ноҳия марказий касалхонасида ётдим. 18 кун даволаниб, тузалиб чиқдим, аммо орадан бир ҳафта ўтмай касал яна хуруж қилди. Гапни чўзиб нима қиламан, тўрт марта касалхона эшигини «йўқлаб» бордим. Томирларга ҳадеб игна суқилавергач жуда ожизланиб, тинка-мадор қуриди. Охирги марта ётганимда қўшни Элликқалъа ноҳиясининг Калинин номли жамоа хўжалигида сариқ касалини даволовчи табиб борлигини эшитдиму, тинчим бузилди. Касалхонадан чиққач, албатта, унинг ҳузурига боришга қарор қилиб қўйдим. Қўшнимизнинг оиласи ҳам сариқдан кўпдан бери жабр кўриб келарди. Иккимиз маслаҳатлашиб, Элликқалъа ноҳиясига йўл олдик.

Дурдибой ака ярим тундан кейин яширин қарар экан, чунки унинг уйи атрофига маҳаллий врачлар айғоқчи қўйиб қўйишган, милиция таъқиб қилар экан. Табибнинг даволаш усули оддий — қулоқнинг орқасини массаж қилар экан. Уч маротаба қатнаганимдан (ёки уч сеансдан) кейин менда ўзгариш пайдо бўлди, ўзимни яхши сеза бошладим. Қўшнимнинг оиласидагилар ҳам, мен ҳам сариқдан фориғ бўлдик. Кутилмаганда ойим сариққа чалиндилар. Ойимни дўхтирга кўрсатмай, тўғри табибга олиб бордим. Онам ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетдилар.

Орадан бир неча йил ўтди. Бу даврда юқорида айтганимдек, халқ орасидан чиққан табибларнинг кўпчилигига даволаш учун имконият яратиб берилди. Мен айтаётган Дурдибой ака ўзи тракторчи бўлиб ишлайди. Унинг қўлидан юзлаб беморлар шифо топдилар. Ўзи эса ҳалигача яширин даволайди. Айби нима, табиб бўлганлигими? Менинг фикримча, у кишининг даволаш услубидаги фойдали томонлар ўрганилиб, давлат унга ишлашга имконият яратиб берса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Яраш АҲМАДОВ,
ҚҚАССР, Тўрткўл ноҳияси, «Совет Ўзбекистони» жамоа хўжалиги.

Ёшлар ижоди

ЧИНГА АЙЛАНГАН ЭРТАК

Бир бор экан, бир йўқ экан, у қадар қадим бўлмаган замонда Тўрақўрғон ноҳиясининг Катта Қурама қишлоғида ўланчи ота бўлган экан. У басавлат келбати, оқи-оқ, қизили-қизил нурли юзи, кўксига тушган оппоқ соқоли, устида ҳилпираб турғувчи чакмони ва текис ўралган салласи билан саман отига жуда ярашиқлик экан. Ота қишлоқ кўчаларига файз ва нур таратиб, от устида тебраниб, соз чертиб, ўлан айтганда, яйрамаган дил, унга қўшилишиб, хиргойи қилмаган тил қолмас экан. Овозини узоқдан эшитган кексаю-ёш бир кўришга ошиқар экан. Отанинг билмаган қўшиғи, англамаган йўриғи йўқ экан. Шунинг учун ҳеч кимдан насиҳатини аямас экан. Кунлар ўтаверибди, отанинг Собирали номли ўғли катта бўлаверибди. Отаси узоқ жойларга борганда ҳамроҳликка ярабди. Бора-бора у ҳам соз чалиш, ўлан айтиш шайдоси бўлибди. Катта давралардан бирида ўланчи отанинг ниятини сўрашганда: «Собирали ўғлим минг шукрки, чолғуни севади. У ўзидан кўпайсин-у, болалари бувасига, отасига ўхшасин. Асли қўшиқни тоза диллар айтади. Бу деганим набираларим пок виждонли, ориятли, сербавқ бўлишсин», деб жавоб берибди.

Орадан йиллар ўтибди. Собирали ака Тожихон опага уйланибди. Кейин урушга жўнабди. У жангнинг оловли йилларида мардлик кўрсатибди. Бир куни дайди ўқдан танаси яраланибди. Отасининг насиҳатларини, ўлану-қўшиқларини қайта-қайта айтиб, ўлим билан курашибди. Охир-оқибат шараф қозониб, уйига қайтибди. Қучоқ очиб, садоқатидан пойига гул сочиб, кутиб олгач Тожихон ая билан 11 фарзанд кўришибди. Уларнинг ҳаммаси зукко, доногина эмас, бувасининг ният қилгандек санъатга ошно бўлиб ўсишибди. Бири тор чалибди, бири дутор, бири куйлабди, иккинчиси ўйнабди. Собирали ака ҳам оталик қилибди, ҳам санъатда уларга устоз бўлибди. Зеҳни ўткир Ғофир бўлса доира, рубоб чалишдан бўшаган пайтлари расм чизаркан. «Гулхан», «Ғунча» жаридалари саҳифаларида чиқибди расмлари. Ўрта мактабни тугатгач, у Тошкентга ўқишга жўнамоқчи бўлибди, лекин Собирали ака фарзандлари санъатини фақат оилада, тор доирада тасаввур этаркан. Ғофир бўлса театр ва рассомлик санъати институтининг расм чизиш факультетига кирмоқчи бўлиб рухсат олибди. Аслида эса мусиқали драма актёри бўлимида таҳсил кўра бошлабди. Иккинчи курсни якунлаш арафасида қишлоққа борган Ғофир катта даврада «Қаро кўзим»ни маромига етказиб куйлабди. Уни тинглаганлар дармонда, тингламаганлар армонда қолибди. Шунда Собирали ака дўст-душман олдида керилиб, оталигига берилиб дебди:

— Эҳ, аттанг, ўғлим, шундай овозинг бор экан, ҳамма нарсага етган ақлим, сени ҳофизликка ўқитишга қолганда адашган кўринади, чоғи?

Отага ҳурмат юзасидан изимдан чиқиб ўрганмаган Ғофир икки йилдан буён ўзидан ўтганини ўзи билиб юраркан. Ҳозир айни пайти келганини фаҳмлаб, жавоб қилибди.

— Юзингиздан ўтолмай юргандим, отажон. Аслида артистликка ўқияпман.

Собирали ака уни бағрига босиб, омад тилабди. Бувасининг ниятларини эслатибди. Бундан руҳланган ўғилнинг ўқишга меҳри ошибди, қўшиққа илҳоми тошибди. Давлат имтиҳонларини топшириш чоғида маҳоратини турли жанрларда намойиш этибди. Буни кўрган Наби Раҳимов:

— Сиз икки артистга «подражат» қилар экансиз: бири Эргаш Каримов, иккинчиси Ҳасан Йўлдошев. Юморга бой санъаткорлар сиз билан кўпайишидан хурсандман. Ишингизга муваффақият тилайман, дебди. Ёш актёр ўзига берилаётган бундай тилакдан боши осмонга етибди. Отаси томон кетибди. Воқеани сўзлабди, келажагини кўзлабди. Муқимий театрига йўлланма олганини айтибди. Меҳрибон отаси, ҳам, мунисгина онаси ҳам унга оқ фотиҳа беришибди. Шу-шу Ғофир Мирзабоев дастлаб спектакллардаги оммавий саҳналарда, кейин бош ролларда чиқа бошлабди. Унга Раззоқ Ҳамраев, Сойиб Хўжаев, Фароғат Раҳматовалар вақтида сабоқ беришибди. «Ўжарлар», «Дилафрузга тўрт ошиқ», «Тошкентнинг нозанин маликаси» сингари қатор спектакллардаги бош ролларни маромига етказиб ўйнабди. Кўрганларнинг кўзлари қувнабди. Айниқса, унинг қўшиқлари дилларга завқ бағишлабди. Кейинчалик ларга куй басталаб, қўшиқларини дасталаб тингловчиларга ҳадя этаверибди.

Лекин кулги асли жиддий нарса эканлигини, табиати, диди нозик томошабинни кулдириш эса қийин ва масъулиятли эканини қадамида дилига туйиб, шундан унга янада меҳр қўйиб юрибди

Кунба-кун ихлосмандлари ҳам ортиб борибди. «Кўнгил рози», «Севгилим», «Ёр сенмидинг», «Рақкосалар», «Барчага тенг ёр Ватан» каби кўпгина қўшиқлари тингловчилар дилидан жой олибди. Наби Раҳимов, Ҳамза Умаров, Сойиб Хўжаев, Эргаш Каримов, Ҳожиакбар Ҳамидов каби қатор санъаткорларга тақлидлари нафақат уларнинг ўзлари, балки юзлаб томошабинларга кулгу чўғини солибди.

Бора-бора у ўланчи бувасининг одамлар орасида кўп юрганини, отаси Собирали ака меҳр билан қўшиқни яратадиган ҳам одамлар, қўшиқчини яратадиган ҳам одамлар, деган гапларини тез-тез эслайдиган бўлибди. Шундан бўлса керак, у ҳам турли тадбирларга қатнашадиган, одамлар билан кўпроқ гаплашадиган бўлибди. «Зангори экран»нинг «Шунчаки ҳазил», «Инсон ва замон», байрам концертларида ҳазил қўшиқлари билан иштирок этибди. Айни ҳозирги кўпчилик дилини ваҳима эгаллаган пайтда Ғофир шу мавзуларда янги-янги ҳазил қўшиқлар яратишга киришибди. Чунки бугун одамлар кўнглидагини билиш, уларга кулгу улашиш зарурлигини уқиб олибди. Ён-атрофида лирик қўшиқчилар кўплигини, лекин ҳазил қўшиқларни куйлайдиганлар озлигини эслаб қолибди. Ўз устида қунт билан ишлай бошлабди. Ҳали кутубхонага югурибди, ҳали зиёлилар даврасига борибди, шоирлар даврасида ўтирибди. Чунки Ғофир озми-кўпми шеъриятдан баҳраманд экан. Уйида эса классик қўшиқларнинг пластинкаларини қўйиб, чарчамас экан. Муқимий театрида ишлайдиган синглиси Зарифа, рубоб чалувчи акаси Зокиржон, опаси Дилором ва бошқа санъаткор фарзандлари тўпланганда Собирали аканинг боши осмонга етар эди. Кейинги пайтларда хонанда ўз репертуарини «Муножот», «Куйгай» кабилар билан бирга ўзи тайёрлаган «Кўриндию париваш», «Ушал дамлар», эстрада қўшиқлари билан бойитибди. Айниқса, шеърини ҳам, куйини ҳам ўзи ёзган қўшиқчиликда янги масал жанрида яратган «Боғда бир гул»ни жойларда яхши кутиб олишаётганлигидан хурсандмиш.

Ғофир Мирзабоевни бошқа хонандалардан ажратиб, элга танитаётган қатор хислатлари ҳам бор эмиш. У «Ёш ленинчи» рўзномасининг «Ижодкор» футбол командасида тўп сурар экан. Спортнинг турли хиллари эътиборидан четда қолмас экан.

Шундай қилиб, Ғофир Мирзабоев актёрликни қўмсаб юрса-да, радиокомитетда Ғанижон Тошматов, Эсон Лутфуллаев, Орифхон Ҳотамов, Ҳасан Ражабий, ака-ука Ваҳобовлар билан бирга ишлаётганидан мамнун эмиш. Улардан олаётган маслаҳат ва насиҳатларидан кўнгли гулшан экан. Бу гулшанда унинг яна қатор режалари бор экан. Театр студияни ташкил қилиш учун елиб-югуриб юрган эмиш. «Муҳаббатим», «Тинчлик қуши», «Кел пари», каби янги қўшиқларни тингловчиларга ҳадя этиш иштиёқи бор экан. Яна бир қатор санъат вакилларининг туркум муқаллидларини режалаштирганмиш. Яна мактабларда санъат фан сифатида ўргатилмаслигидан, деворларда шоирлар сурати қатор туриб, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов каби ажойиб ҳофизлар сурати йўқлигидан куйинармиш. Йигит ва қизларда классик қўшиқларга ихлос уйғотиш учун аслида ўшалар ҳақида маълумот бериш кераклигини давраларда уқтирармиш.

Ҳа, хонанда ўланчи бувасига ўхшаб юриб чарчамас, куйлаб ҳоримас, кулиб-кулдириб зерикмас эмиш. Яқинда айтишни мўлжал қилган «Куйла, куйла» қўшиғида шундай сатрлар бор экан.



Куйла, куйла эй менинг
кўнгил аталган булбулим,
Куйларим халқимга ёқса
мангу ёруғдир йўлим.
Куйламоқлик бахти ҳам ҳар
кимга бўлмайди насиб,
Ким қўшиқ ҳамроҳи бўлса,
унга асло йўқ ўлим.

Ғофир она қишлоғига бот-бот бораркан, уни кўрганлар ота-бобосини таниганлар: «Ўланчи ота ният қилди. Собирали ака фарзандлари ибратли бўлди. Мана Ғофири бўлса бувасининг, отасининг, йўлидан борди. Кам бўлаётгани йўқ. Умри ҳам бувасига ўхшасин. Халқпарварликда отасининг йўлини берсин» деб дуо қилишармиш. Ҳаётда чинга айланган бундай эртаклар учраб туради. Биз ҳам кексаларнинг дуосига қўл очамиз.

Муқаддас СОЛИҲ қизи.

ТВ

20 МАЙ — ЯКШАНБА

● **ЎзТВ I**

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

* * *

10.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Компьютер сабоқлари». 10.25 «Санъат усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти Сойиб Хўжаев. 11.25 Спорт кўрсатувлари: 1. Халқ ўйинлари. 2. У-шу. 12.25 «Дўстлик» программаси. «Рангинкамон». 13.55 «Алифбо сабоқлари» (такрор.). 14.35 «Навбаҳор» ашула ва рақс ансамблининг концерти.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Пионерман — пионер». Болалар учун концерт. 18.50 «Аралаш». «Ҳажвий киножурнал. 19.00 «Мушоҳада». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Ҳинд кинофильмларидан концерт. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ахборот». 22.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта «Мерос». Бадиий фильм («Мосфильм»). 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **ЎзТВ II**

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

9.00 «Сапеда». Мусиқий кўрсатув. 10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама. 10.15 «Мўъжиза алифбо». 10.45 «Ҳоки пайванди». Ҳожи Абдулазиз ҳақида хотира. 11.35 «Никоҳ саватидаги миллионлар». Бадиий фильм (рус тилида).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

16.25 «Киномеридиан». Қирғиз киносининг бугуни ва эртаси. 16.55 «Хива вақти билан роппа-роса соат еттида». Фильм-концерт. 17.25 «Кадр ортидаги учрашувлар». РСФСР халқ артисти А. Кузнецов. 18.15 «Архивдаги киноальбом». Режиссёр Дмитрий Эрдман. 19.00 «7 кун». 19.30 «Ипподром-90». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Севги бобида тижоратга ўрин йўқ». Бадиий фильм, субтитр билан (рус тилида).

● **МТ I**

7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8,15 «Спорлото» тиражи. 8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Қўзғолончилик тарихи». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия — «Ҳаёт учун эмас, ўлим учун». 8-серия — «Шундай кун яқин». 14.30 «Здоровье». 15.15 «Мусиқий киоск». 15.45 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама. 17.00 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Ёввойи оққушлар». Бадиий фильм («Таллинфильм»).

Якшанба кинозали

18.30 «Хўтик». Мультфильм. 19.00 «Ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин эди». Бадиий фильм («Молдова-фильм»). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.30 «Абадият ҳақида ўйлар». 21.45 Г. Черноба, Д. Хворостовский ҳамда Москва Давлат симфоник оркестри ижросида П. И. Чайковский опералардан парчалар. Дирижёр — А. Степанов. 22.15 «Сиёсий мулоқотлар». «Бизни нималар бирлаштиради?».

● **МТ II**

7.30 Заридкага сафланинг. 7.45 «Мужиклар». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 9.15 Киев Давлат филармониясининг Н. Ризоль раҳбарлигидаги баянчилар квартети чалади. 9.25 «Иван Бровкин қўриқда». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 12.00 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан кўрсатилади. 12.30 «Босқичлар». Бадиий публицистик программа. 13.30 «Она-замин ташвишида» туркумидан. «Ер эди». Ҳужжатли фильм премьераси. Қишлоқ хўжалигида гербицидларни қўлланиш билан боғлиқ экологик муаммолар ҳақида («Молдовафильм»). 14.00 «Совет Россияси» видеоканали. 16.30 «Планета». Халқаро программа. 17.30 Сизни Москва Кремли комендатурасининг намунали кўргазмали оркестри таклиф этади. 18.15 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Оловуддининг сеҳрли чироғи». 1-қисм.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи» «Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58 ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.

513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ. ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Р — 03239. Д. — 23468.